

10 26218
2

10 26218
2


Камолот сари

Ҳожи Аҳмаджон
Бобомурод



2001A-886

Камолот сари



Ҳожи Аҳмадҷон
Бобомурод

*Илмий маърифий
рисола*



Тошкент
"Чўлпон" 2000

Мазкур рисола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита
томонидан chop этишга маъқулланган.

Масъул муҳаррир – Мирзо КЕНЖАБЕК


Бобомурод, А.
“Камолот сари”.
(Масъул муҳаррир М. Кенжабек;
сўнгсўз муаллифи С. Сайфуллох,
Т.: “Чўлпон”, 2000 й. -72 б.

Ушбу рисолада муқаддас Ислom динининг асослари,
жумладан инсонпарварлик ғоялари, илм-маърифат ва
тараққиётга боғлиқ ўта муҳим жихатлари баён қилинган.

Шунингдек, китобда муқаддас динимизга доғ бўлиб ту-
шаётган баъзи ҳолатлар ҳамда турли оқимлар таъсирига
берилишининг зарарли оқибатлари мисоллар билан очиб
берилади.

Рисола ёш авлодни тўғри эътиқод билан тарбиялашда
хайрли хизмат қилади деб умид қиламиз.

ББК 86.38



26218
10 2

Б4802000000-17 кўш. 2000
360(04)-2000

ISBN 5-8250-0653-2

© “Чўлпон” нашриёти, 2000 й.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

ИСЛОМНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИЛМУ МАЪРИФАТГА ДАЪВАТИ

Ислом дини инсоният учун манфаат келтирадиган, ҳар қандай илму маърифатни қабул қиладиган тараққийпарвар диндир. Ислом шариатида намоз, рўза, закотга ўхшаш ўзгармас ва замонанинг ўзгаришига қараб янгиланиб турадиган ҳукмлар бор. Шунинг учун “Замона ўзгарса, айрим ҳукмлар ўзгаради” дейилган Ислом қоидаси мавжуд. Маълумки, замона бир ерда қотиб қолмайди, у ўзгариб туради. Янги илму ҳунар, янги фан, янги маданиятлар пайдо бўлади. Техникалар, компьютерлар ривожланади. Ислом мамлакатларига назар соладиган бўлсак, замонавий илмий тараққиётларни биринчи бўлиб қабул қилганликларининг гувоҳи бўламиз. Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.): *“Ҳақиқий мусулмон бу дунёни деб у дунёсини ташламайди, у дунёни деб бу дунёсини қўлдан бермайди”*, — деб дунёвий илмлар ривожидан дунё ва охираат саодати учун фойдаланишга чақирганлар. Шу сабабдан дунё фанлари ривожига, тараққиётига катта ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Фарғоний каби улуғ олимлар Ислом замида етишганлар. Буларнинг маърифат чироғи тарих, жуғрофия, математика, астрономия, геометрия, этнография каби турли фанлар оламини ёритди. Бағдоддаги халифа Маъмун Академиясига ватандошимиз Аҳмад Фарғоний бошчилик қилган. Ислом дини тараққийпарвар ва маърифат дини бўлгани учун бутун дунё цивилизациясига ва маданий тараққиётига омил бўлди, раҳнамолик қилди. Ҳали бутун дунё ғафлат уйқусида ухлаб ётган пайтда Ислом илм-фани ва маданияти дунёга тарқалган эди. Асримиз бошларида диёримизга ташриф буюрган Олмон олимлари мадрасаларда шариат

қонунларидан дарс қилиб ўқитилаётган буюк ватандошимиз Бурҳониддин Марғилонийнинг “Ҳидояи шариф” китобини ақлий далилларига қойил қолиб, бир нусхасини ўз юртларига олиб бориб, ундаги қонун-қоидаларни ўз ҳаётларига тадбиқ қилишган. Орадан йиллар ўтиб Куръонга “Возих” номли тафсир ёзган мисрлик буюк олим Муҳаммад Абдуҳ Олмонияга бориб, у ерда Ислом одоби ва маданиятига амал қилинишини кўриб: “Бу ерда мусулмонларни топмаган бўлсам ҳам, Исломни топдим”, — деган. Олимнинг гапларидан Ислом маданияти Оврупага ҳам кириб борганлигига гувоҳ бўламиз.

Ислом дини ўзининг гўзал одоб ва ахлоқ тамойиллари билан бутун дунё инсониятини илм-фанни ривожлантиришга чорлайди. Аллоҳ таоло Ислом динини бутун дунёга раҳмат қилиб юбориб, мусулмонларни намозу рўзага буюришдан олдин: “Иқраъ!”, яъни: “Ўқи!” деб хитоб қилди. Чунки, ўқиб илм олган киши икки дунё саодатига эришади, ўз илми билан инсоният камолотига, элу юрт тараққиётига ҳисса қўшади, халқ назарига тушиб, Аллоҳнинг улуғ мукофотига сазовор бўлади. Шунинг учун Аллоҳ таоло “Зумар” сура-сининг 9-оятда:

هل يستوى الذين يعلمون و الذين لا يعلمون

яъни: “Илмли кишилар билан илмсизларнинг даражаси тенг бўладими?” деб илму урфон эгаларини юқори даражага кўтаради. Шу оятнинг мазмунидан келиб чиқиб, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.), илм олмоқлик фақат эркакларга хос эмас, балким ҳамма бандага, эркагу аёлга баробар фарз эканлигини билдирдилар: “Илм талаб қилмоқлик ҳар бир муслим ва муслимага фарздир”, деб марҳамат қилдилар. Расулulloҳ (с.а.в.) бу билан кифояланмай: “Бешикдан то қабр-гача илм изланглар,” деб умрнинг охиригача илму маърифат билан шуғулланишга, илм-маърифатни теран эгаллаш, узлуксиз изланишга, илмнинг ҳақиқий мутахассиси бўлишга чорладилар. Шунинг учун илмда таътил, яъни тўхтаб қолиб дам олишлик йўқ. Ҳар бир мусулмон йигит-қиз фақат фаолият турини, илм соҳасини ўзгартириш усули билан дам олади. Ҳеч қайси дин илму урфонга Ислом диничалик аҳамият берган

эмас. Инсон қанчалик кўп ўқиса, шунчалик ўзининг нодон эканлигини англай бошлайди. Пайғамбаримиз бу муборак ҳадислари билан инсонни камтар бўлмоққа ҳам тарғиб қилганларки, кўп билдим, олим бўлдим, деб мағрурланма. Илмнинг поёнига етишига инсон умри кифоя қилмайди, деганлар. Улуғ халқимиз ўз теран мақолида: “Камтарга камол, манманга завол”, деб бежиз айтмаган. Инсон ҳар қанчалик кўп билимга эга бўлгани билан унинг илмидан элу юртга, Ватан равақига наф етмаса, инсониятнинг дунёю охирати учун фойда бермаса, унинг илми фойдасиз илм бўлиб қолади. Шунинг учун Расулуллоҳ (с.а.в.): “Эй Раббим! Сендан фойдали илм сўрайман,” деб кўп дуо қилар эдилар.

ИСЛОМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Юқорида Исломи дини инсониятга манфаат келтирадиган ҳар қандай янги ихтироларни қабул қилувчи тараққийпарвар дин эканлигини айтдик.

Бу диннинг асоси Аллоҳ таоло томонидан бандаларини ҳидоят йўлига — тўғри йўлга солувчи китоб қилиб юборилган муқаддас Қуръондир. Қуръонни ўқиган инсон ўтган замон воқеаларидан, ҳозирги замондан ва келажакдан хабардор бўлади. Чунки уламолар Қуръонни ҳадис, мантиқ, луғат, балоғат, калом фанлари билан ва яна баъзилар тасаввуф йўли билан тафсир қилишиб, унинг зоҳир ва ботин маъноларини кашф қилганлар. Тож ул-муфассирин, яъни муфассирларнинг тожи деб ном олган Пайғамбаримизнинг амакиваччалари Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.): “Қуръонни замона тафсир (шарҳ) қилади”, — деб айтганлар. Бу сўз нақадар ҳақ эканлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Саҳобалар замонида кашф бўлмаган маънолар улардан кейинги замонда ва улардан кейин ҳам кашф бўлмаганлари бизнинг замонамизда кашф бўлмоқда. Масалан, “Ар-Роҳман” сурасининг 19-20 оятларида:

مرج البحرين يلتقيان * بينهما برزخ لا يبغيان

яъни: “У Зот дарёю денгизларни бир-бирлари билан учрашадиган қилиб қўйди, ўрталаридаги кўзга кўринмас илоҳий тўсиқлардан ошиб ўтолмайдилар”, — дейилади.

Замонлар ўтиб, техника ривожланиб, капитан Кусто денгиз остида илмий тадқиқотлар ўтказиб, Аллоҳ Қуръонда зикр қилган шўр денгиз чучук денгиз билан учрашиб, бир-бирига аралашмаслигини кўриб, ҳайратда қолади. Буни мен кашф қилдим деганида, Исломо олимлари: “Йўқ, буни Аллоҳ Қуръонда 14 аср олдин маълум қилган. Бу илоҳий қудрат Аллоҳнинг қудрати”, — дейишган. Капитан Кусто Аллоҳнинг қудратига тасанно айтиб, мусулмон бўлганлиги “Илоҳий мўъжизалар” китобида зикр қилинган. “Ар-Роҳман” сурасининг 33-оятида Аллоҳ таоло жинлару инсонларга хитоб қилиб:

يا معشر الجنّ و الانس ان استطعتم ان تنفذوا من اقطار
السّموات والارض فانفذوا لا تنفذون الاّ بسلطان

яъни: “Эй жин ва инс тоифаси! Агар сизлар осмонлар ва ер чегараларидан ўтиб кетишга қодир бўлсаларинг, ўтиб кетаверинг. (Ўтиб кетишга қудратларинг етмайди.) Магарам, катта куч-қувват билан (илм билан) ўтишларинг мумкин”, — деб ердан узилиб чиқиб кетиш учун, осмон чегараларини бузиб сайр қилишлари учун илм орқали эгалланадиган катта техникавий қувватга эга бўлиш кераклигини маълум қилади. Аллоҳ бу ояти каримаси билан ер тортиш қувватига эга эканлигини ва уни енгадиган ихтироларни кашф этиб, осмону фалакка учадиган фазовий кемаларни ўйлаб топшига ишорат қилади. Бунга эришиш учун асосий манба темир-пўлат эканлигини билдириб, “Ҳадиd” сурасининг 25-оятида:

و انزلنا الحديد فيه بأس شديد ومنافع للناس

яъни: “Биз қудратимиз билан темирни яратдик, унда одамларга манфаат берадиган катта қувват бордир”, дейди. Бу оят орқали инсонлар темирдан фойдаланиб, машинаю самолётлар, поезду кемалар, ракетаю ер йўлдошлари, қурол-яроғлару инсон ҳаёти учун керак бўладиган жамики нарсаларни ишлаб чиқариш мумкинлигини англаймиз. Аллоҳ Ўз иродаси билан бандалари техникани ривожлантириб, ер юзини обод-фаро-

вон қилмоқлари учун, ҳаётларини беҳуда ўтказмасдан, ўзи яратган маъданлардан фойдаланиб, дунёларини маъмур, охиратларини обод қиладиган кашфиётлар олиб бормоқлари учун Ўз Қуръоний оятларида ишора қилдиким, ақли расо, зукко олимлар бунинг мазмунини тушуниб, инсониятни моддий ва маънавий тараққиёт сари бошлаб борадилар. Қуръони каримнинг “Фотир” сураси, 10-оятида:

اليه يصعد الكلم الطيب والعمل الصالح يرفعه

яъни: “Ер юзидаги савобли, покиза, яхши сўзлар Аллоҳнинг даргоҳига кўтарилади. Аллоҳ таоло бандаларининг яхши амалларини кўтаради”, дейилган. Демак, илоҳий қудрат билан ер юзидаги бандаларнинг оғизларидан чиқаётган сўзларию қилаётган амаллари осмонга кўтарилиб туради. Биз замона мусулмонлари Аллоҳ таолонинг нақадар қудратли, буюк зот эканлигига гувоҳ бўлиб турибмизки, бугунги кунда ер сунъий йўлдошлари ихтиро қилиниб, дунёнинг исталган жойидаги воқеаларни оламга эшиттириб ҳамда кўрсатиб турибди. Хулофои рошидинларнинг, яъни тўғри йўлдаги халифаларнинг 4 чиси Ҳазрат Али (каррамоллоҳу ваҷҳаҳ): “*Фарзандларингизни ўз замонасига мослаб тарбияланг, ўзингизнинг замонангизга қараб эмас, чунки у сизнинг замонангиз учун эмас, ўз замонаси учун туғилган*”, деб Ислом дини замонавий илму маърифатни, халқларнинг оғирини енгил қиладиган ҳар қандай ихтироларни қабул қилишлигини билдирганлар. Одамларнинг онги ҳам қотиб қолмайди, замонанинг ўзгариши, ривожига қараб ўзгариб, ўсиб туради. Маълумки, ҳар замоннинг ўз муаммоси, ечилмаган мушкулотлари бўлади. Замона ёшлари ўз билимларини ишга солиб, янгиликлар ихтиро қилиб, ечилмаган мушкулотларни ечишлари, халқнинг оғирини енгил қилишлари керак бўлади. Ислом мамлакатларига қарайдиган бўлсак, алоҳида диний мактабларни кўрмаймиз. Ҳамма мактабу олий ўқув юртларида диний илм билан бирга замонавий фанлар ўқитилади. Умумий таълимни олиб бўлгандан кейин, диний мутахассис бўлишни хоҳлаганларгина шариат факултетига кириб ўқийдилар. Илоҳиёт илмининг кўзга кўринган олими, нақшбандия тариқатининг

пири комили профессор Маҳмуд Асъад Жўшан ҳазратлари: “Ҳар соҳада ривожланиш учун ислом асло тўсқинлик қилмайди, айб исломда эмас, айб мусулмонларнинг ўзида, яъни фан ва техника ривожланиши учун мусулмонларнинг жонкуярлигини, ватанпарварлигини ошириш керак. Лекин иймонли, виждонли, ҳалол, покиза бўлмасдан туриб, улуғ муваффақиятларга эришиб бўлмайди”, деганлар. Шунинг учун Ислом ёшларни замонавий илмларни муқаммал эгаллашга даъват этади. Чунки, замонавий илмни эгалламасдан тараққиётга эришиш, ўз тинчлигини ва мустақиллигини ҳимоя қилиш қийин.

ИЙМОН НИМА?

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан : “Иймон нима?” деб савол қилинганида: “**Оманту биллаҳи ва малаикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи вал явмил охири вал қодари хойриҳи ва шарриҳи миналлоҳи таоло вал баъси баъдалмавт**”, дедилар. Яъни: “Аллоҳга ва унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охирги кун — қиёмат кунининг бўлишига, тақдирга — тақдирдаги яхшилигу ёмонлик Аллоҳ таолодан эканлигига ва ўлгандан кейин қайта тирилмоқликка ишондим, демоқлигингдир”, деб жавоб бердилар. Мусулмоннинг зиммасига юкланган энг муҳим 40 фарзнинг 7 таси иймон билан, яъни 7 нарсага ишониш билан бўлади.

АЛЛОҲНИНГ БИРЛИГИ

Биринчиси: Аллоҳга ишонмоқ. Аллоҳ лафзи - ақларни лол қолдирувчи, ҳайрон қолдирувчи маъносини ифода этади. Дарҳақиқат, инсон Аллоҳнинг қудрати. Унинг яратган махлуқотлари тўғрисида чуқур тафаккур юритса, Аллоҳга тасанно айтмасдан, ақли лол қолмасдан иложи йўқ. Биргина Аллоҳ лафзини оладиган бўлсак, Аллоҳ таоло ўзининг зотига шундай исм қўйганки, унинг аввалидан биринчи ҳарфи **“ا”** дан “алиф”ни олсак ҳам **“ا”** “Лиллаҳи” қолиб, ҳамма нарса Аллоҳнинг мулки деган маъно чиқади, иккинчи ҳарфи “Лом”ни олсак ҳам **“ل”** “Лаху” қолиб, ҳамма мавжудот Уники

деган маъноси қолади. Учинчи ҳарф бўлган кейинги “Лом”ни олсак ҳам “هو” “Ҳу” қолиб, “ёлғиз У” маъноси-ни беради. Дунёдаги бошқа ҳар қандай сўздан биронта ҳарфини камайтирсак, сўз бузилиб, маъно чиқмайди. Биргина исми зотнинг ўзи инсонни лолу ҳайрон қолдирса, У зотнинг Ўзи қандай сифатларга эгадир!

У зот ёлғиздир. Унинг шериги йўқ. Унинг тенги ва тимсоли йўқ. Уни енгадиган ёки ожиз қолдирадиган бирор куч йўқ. Ундан ўзга Илоҳ йўқ. У қадимдирки, ибтидосиз ва доимийдирки, интиҳосиз. У фоний эмас ва асло йўқ бўлмас, барча иш фақат Унинг хоҳиши билан бўлур. Унинг моҳиятига ақл етмас. Унинг ҳақиқатини кимса фаҳм этмас. У одамларга ўхшамас. Тирикдир —ўлмас. Қоимдурки, ухламас. У яратувчидир, лекин Ўзи беҳожат. Ризқ берувчидир, лекин ҳақ олмас. У ўлдирувчидир, лекин кўрқмас, яна тирилтирувчидир, лекин бемашаққат. Барча сифатлари ҳеч нарсани яратмай туриб ҳам мавжуд бўлган. Яратгандан кейин унга бирон сифат кўшилиб қолган эмас. Азалий бўлган сифатлари абадий боқий қолур. Холиқ сифатини оламни яратгандан кейин олгани йўқ. У тарбия қилувчидир, лекин Ўзи парваришга муҳтож эмас. Ўзи Холиқдир, махлуқ эмас. Ўзи жон ато этган махлуқларни ўлгандан кейин қайта тирилтиргай, лекин бу сифати тирилтирмай туриб ҳам мавжуддир. У ҳамма нарсага қодир, ҳамма нарса Унга муҳтождир. Ҳамма иш Унга осондир. Бирон нарсага зор эмас. Унинг ўхшаши, тенги йўқ. У эшитувчи ва кўргувчидир. Барча махлуқотини Ўз илми билан билиб яратган ва уларни ўлчов ва муддат билан белгилаб қўйган. Уларни яратмай туриб ҳам, ҳеч нарса Унга махфий эмас эди. Одамларни яратмай туриб, нима иш қилишларини билган. Билиб туриб уларни итоат қилишга буюрган, итоатсизликдан қайтарган. Ҳамма нарса Унинг тақдири, хоҳиши билан бўлур. Унинг хоҳиши ҳамма хоҳишлардан устундир. Одамларнинг хоҳиши Унинг хоҳишига боғлиқдир, яъни У нимани хоҳласа, бўлади, хоҳламаса, бўлмайди. Хоҳлаган бандасини Ўз фазли билан гуноҳлардан сақлаб, ҳидоят йўлига солиб қўяди. Хоҳлаган бандасини Ўз адли билан адашган ҳолича қўйиб, ёрдамсиз қолдиради. Ҳамма Унинг ё фазлига, ёки адлига учраб туради. Унинг на акси ва на тенги бор. Унинг қазо ва тақдирини ҳеч ким тўса олмайди.

Унинг ҳукми қатъий ва амри ҳамиша голибдир. Аллоҳ Ўзи яратган бандалари ичидан бир қанчаларининг қалбларини мусаффо қилиб, Ўзи яратган эканлигини халққа танитмоқ учун, буларни танлаб олиб, баъзиларига саҳифалар, баъзиларига китоблар бериб, ер юзига пайғамбар қилиб юборди. Улар Аллоҳнинг амрига бўйсунган ҳолда Унинг қандай зот эканлигини халққа билдириб, Унинг буйруқ ва ваҳийларини (тақиқларини) етказиб келдилар.

АЛЛОҲНИ БУ ДУНЁДА КЎРСА БЎЛАДИМИ?

Биринчи пайғамбар Одам алайҳиссалом ва пайғамбарларнинг охиргиси ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломлардан бошқа ҳеч қандай пайғамбар бу дунёда Аллоҳни кўзлари билан кўра олган эмаслар. Мусо алайҳиссалом Аллоҳнинг сўзини эшитган бўлсалар, баъзи пайғамбарлар тушларида кўрган ва яна баъзилари қалб кўзи билан кўрган. Баъзи авлиёлар ҳам тушларида кўрурлар. Бир мартагина Аллоҳни тушида кўрган киши умрбод ошиқи беқарор бўлиб, табиатида шоирлиги борлари Машрабга ўхшаб шеърлар айтиб юрса, шеър айтишини билмайдиганлари доимо тилида ва қалбида Аллоҳ деб мажнун бўлиб юради.

“Аъроф” сурасининг 143-оятида хабар берилишича, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Мусо алайҳиссаломни Тур тоғига бориб, 40 кун ёлғиз ибодат қилишга буюрди. Мусо алайҳиссалом ваъда қилинган вақтда Тур тоғига борганда Аллоҳ таоло унга Ўз сўзини эшиттирди. Шунда Мусо алайҳиссалом:

"ولما جاء موسى لميقاتنا وكلمه قال ربّ ارنى انظر اليك،

قال لن ترينى ولكن انظر الى الجبل فان استقرّ مكانه

فسوف ترينى ، فلما تجلّى ربّه للجبل جعله دكّا وخرّ

موسى صعقا، فلما افاق قال سبحانك تبت اليك وانا

اولّ المؤمنين"

яъни: “Эй Раббим! Менга Ўз жамолингни кўрсатгин! — деди. Аллоҳ: “Эй Мусо! Сен мени бу дунёда кўра олмайсан, майли, кўрмоқчи бўлсанг, Ўзимни тоққа кўрсатаман, агар тоғ ўз жойида тура олса, шунда тез фурсатда сен ҳам кўрасан”, — деди. Аллоҳ тоққа тажалли қилганида тоғ дош бера олмасдан парча-парча бўлиб, тупроққа айланиб кетди. Уни кўрган Мусо (а.с.) беҳуш бўлиб йиқилдилар, ўзларига келгач, ноўрин савол қилганлари учун Аллоҳга тавба қилдилар. Мусодек улуг пайғамбар Аллоҳнинг дийдорини кўзи билан кўра олмагач, бошқа одамларнинг кўрмоғига ҳеч қандай имкон йўқ. Дарҳақиқат, қандай ҳам имкон бўлсин, Аллоҳ нур бўлса, Аллоҳ таоло қуёшни яратиш учун ўз нурининг етмишдан бир бўлагини олиб, шу бир бўлакни ҳам етмишга тақсимлаб, Ўз нурининг заррачасидан қуёшни яратган. Аллоҳ нурининг заррачасидан пайдо бўлган қуёшга кўз билан тик боқа олмаймиз. Аҳли жаннатийлар жаннатга киргач, Аллоҳ ҳар бир кишига имконият ва юзта паҳлавон йигитнинг қувватини беради, шундан кейин улар Аллоҳнинг жамолини 14 кунлик ойни кўргандек бемалол кўрадилар. Жаннатнинг неъматлари ниҳоятда лаззатли бўлиб, ҳеч қандай неъматнинг лаззати Аллоҳ жамолини кўриш лаззатига тенг келмайди. Даҳрийлар, Аллоҳ бўлса, Ўзини кўрсатмасмиди, дейишади.

Аллоҳнинг наздида бу дунёнинг сариқ чақачалик қадри йўқ, бу дунё фоний бўлиб кетадиган вақтинчалик имтиҳон майдонидир. Имтиҳон учун юборилган бўлсак, У ўзини кўрсатса, унда қандай имтиҳон бўлади ва бу дунёга юборишидан мақсад нима бўлади?! Аллоҳ таоло Ҳазрати отамиз Одам алайҳиссаломга жаннатда жон ато этиб, Ўз жинсидан онамиз Ҳавони яратиб, иккаласини жуфти ҳалол қилиб қўйган бўлса, ўша ерда уларнинг фарзандларини, яъни бизларни кўпайтириб қўйишга қодир эди. Аммо бу дунё ҳам, дўзах ҳам, шайтон ҳам илоҳий ҳикмат билан яратиб қўйилган.

Имтиҳонда бўлганлигимиз учун Аллоҳ бу дунёни, еру осмонларни вақтинчалик қилиб яратди. Имтиҳон учун берилган қисқа умримизда дунёдан унумли фойдаланиб, пайғамбарлар келтирган хабарларининг содиқлигига — ростлигига иймон келтириб, шу билан бирга, ақлу фаросатимизни ишга солиб, Аллоҳнинг ҳақ эканлигини исботлайдиган аломатлардан таниб олишимиз керак бўлади. Инсон, еру осмоннинг тузилишига, қуёшнинг Аллоҳ белгилаб берган чизиқлардан сўзсиз

итоат қилиб юришига, ойнинг ҳар кунлик манзилидан чиқишига, ер юзидаги тоғу тошлар, денгизу қўллар, дову дарахтларга диққат билан қараб, чуқур тафаккур юритса, Аллоҳнинг ҳақ эканлигини билдирувчи аломатларни кўради. Ақлли киши учун ҳар бир нарсада Аллоҳнинг қудратини кўрсатиб турувчи аломатлар бор.

АЛЛОҲНИНГ ФАРИШТАЛАРИ

Иккинчиси: “Аллоҳнинг руҳоний фаришталарига ишондим”, демоқ. Аллоҳ таоло фаришталарни нурдан яратгани учун инсонлар уларни кўра олмайдилар. Уларга инсонларга ўхшаш нафсоният — емоқ-ичмоқ, эру хотин бўлиш берилмасдан, фақат ақл берилган, уларнинг яшаш жойи етти қават осмон бўлиб, Аллоҳ нимани буюрган бўлса, сўзсиз бажарадилар. Фаришталарнинг улуғи — Жабройл алайҳиссалом бўлиб, у зотнинг вазифаси Аллоҳнинг ваҳйсини пайғамбарларга етказиш бўлган. Микоил алайҳиссалом махлуқотларнинг ризқига вакил қилинган бўлиб, Аллоҳнинг қудрати билан ердан чиқадиган ҳар қандай дону дунлар, гиёҳлар, мевалар у зотнинг тадбири билан таъмин қилинади. Деҳқон меҳнат қилиб, ерини ҳайдайди, уруғ сочади, суғоради ва шунга ўхшаш тадбир-чораларини қўллайди, аммо уни ердан ундириб чиқара олмайди. Аллоҳнинг қудрати билан Микоил алайҳиссалом ризқ ишини таъминлайди. Исрофил алайҳиссалом қиёмат бўлиши учун сурга бир марта дам уриш ва ўлганларни қайтадан тирилтириш учун сурга иккинчи марта дам уришга тайинланган. Азроил алайҳиссалом эса инсонларнинг жонларини олишга вакил қилинган. Ўлганларни қабрда сўроқ қилиш учун Мункар ва Накир фаришталари тайинланган. Биринчи саволлари: “Ман Раббука?” — “Яратган эганг ким?” Иккинчиси: “Мо динука?” — “Дининг нима?” Учинчиси: “Мо тақулу фий ҳазар ражули?” — “Бу киши тўғрисида нима дейсан?” — деб пайғамбаримизнинг суратларини кўрсатишади. Аллоҳни бир, пайғамбарни ҳақ деб, Аллоҳнинг кўрсатган йўлидан юриб, пайғамбарнинг суннатларига амал қилган бандалар: “Раббим Аллоҳ. Диним Ислом. Бу киши Муҳаммад расулуллоҳ”, деб жавоб беради. Жаҳаннам соқчилари 19 та бўлиб, бошлиғининг оти Молик. Улар ниҳоятда қўпол, кучли, раҳм-шафқатсиз қилиб яратил-

ган бўлиб, осийларни турли-туман азоблар билан қийнайдилар. Жаҳаннам соқчиларининг 19 та бўлишида ҳам ҳикмат бор бўлиб, нега 20 та эмас, 19 та? — дейишлари билан кофирларнинг таажжубини зиёда қилса, мўминларнинг имонини қувватли қилади. Бисмиллаҳир Роҳманир роҳимнинг ҳам ҳарфлари 19 та бўлиб, ҳар бир ишда ихлос билан “Бисмиллаҳир Роҳманир роҳим” дегувчилар жаҳаннамнинг 19 соқчисидан эсон-омон сақланадилар. Фаришталардан ҳар бир инсон учун тайинланган иккита Киroman котибинлар бўлиб, инсон балоғат ёшига етиши билан ўнг томондагиси фақат инсоннинг яхши амалларини ёзади, чап томондагиси эса фақат гуноҳларини ёзади. Инсон ўлиши билан унинг китоби — амал дафтари беркитилиб, ёзиши тўхтайтиди. Булардан ташқари Аллоҳнинг фаришталари ниҳоятда кўп бўлиб, улар Аллоҳдан қандай топшириқ бўлган бўлса, заррача ҳам осий бўлмасдан, сўзсиз бажарадилар.

АЛЛОҲНИНГ КИТОБЛАРИ

Учинчиси: “Аллоҳнинг бандалари учун юборган китобларига ишондим”, демоқ. Аллоҳ таоло пайғамбарларидан Одам алайҳиссаломга 10 саҳифа, Шийс алайҳиссаломга 50 саҳифа, Иброҳим халилulloҳга 10 саҳифа, Идрис алайҳиссаломга 30 саҳифа юборган. Булардан кейин Мусо алайҳиссаломга Тавротни, Довуд алайҳиссаломга Забурни, Исо алайҳиссаломга Инжил китобларини юборди. Уларнинг ичида энг улуғи Таврот бўлиб, унда ҳамма ҳукмлар бор эди. Забурда ҳукм бўлмасдан, фақатгина зикрдан иборат бўлган. Инжил эса Аллоҳнинг муқаддас китоби Тавротни тасдиқловчи бўлиб, унда бўлмаган баъзи ҳукмлар баёни учун ҳамда, асосан, охирзамон пайғамбари — инсониятни жаҳолат ботқоғидан қутқазувчи Муҳаммад алайҳиссаломнинг чиқишлари ҳақида хушхабардан иборат эди. Улар ўз замонларида охирзамон пайғамбари келиши ва келгандан кейин ҳаммалари унга кўмакдош бўлиб, бутун дунёни Исломга чақиришлари тўғрисида фахрланиб гапиришар эди. Охирзамон пайғамбари араб миллатидан чиққач, дунё раёсати қўлларидан кетиб қолишидан кўрқиб, ҳасад қилиб, Таврот ва Инжилда ёзилган Муҳаммад алайҳиссаломнинг сифатларини ўчириб,

ўзгартириб, биринчи кофирлардан бўлишди. Бу қилмишлари учун Аллоҳ таоло тавротхонларга ўз газабини юборди, инжилхонларни эса тўғри йўлдан адаштириб юборди. Улар битта Масиҳий динини мустақил 4 та динга бўлиб юборишди. Пайғамбарларини эса “Худо”, баъзилари эса “Худонинг ўғли” дейишди. Уларнинг адашиш сабабларидан яна бири Тавротнинг ниҳоятда катталиги бўлиб, уни ёдлаш қийин эди. Фақат 4 тагина пайғамбар: Мусо, Ҳорун, Узайр ва Исо (пайғамбар) алайҳиссаломлар ёдлаган эдилар. Халқ уни ёд билмагани учун, ўзгаргириш ҳасадгўй яҳудий олимларига осон кечди. Аллоҳ Узининг муқаддас китоби Қуръони каримни энг севикли бандаси, хотамул анбиё - пайғамбарларнинг охиргиси бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилди ва уни қиёматгача ўзгартирмасдан сақлашни ўз зиммасига олиб, “Ҳижр” сурасининг 9-оятда:

أَنَا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَأَنَا لَهُ الْحَافِظُونَ

яъни: “Биз ўз қудратимиз билан зикрни, яъни Қуръонни нозил қилдик ва уни ўзимиз муҳофаза қиламиз”, — деб марҳамат қилди.

Дарҳақиқат, Аллоҳ ваъдасига содиқ қолиб, Қуръонни асл ҳолида сақлаб келмоқда, ҳар йил минглаб ҳофизи Қуръонлар етишиб чиқмоқда, каломуллоҳ қайта-қайта нашр бўлиб турибди. Бизнинг диёримизда ҳам ҳар йили юзлаб қорилар етишиб чиқиб, рамазон ойида юзлаб масжидларда, халқ олдида имтиҳондан ўтиб, халқимиз таҳсинига сазовор бўладилар. Хатми Қуръонда қатнашган мусулмонлар улуғ ажрларга эга бўлиш билан бирга қалбларидаги доғлар кетиб, мусаффо қалб билан қайтадилар, завқу шавқлари зиёда бўлган ҳолда элим деб, юртим деб, белини маҳкам боғлаб, юрт ободончилиги учун астойдил ишга киришадилар. Биз мўминлар Аллоҳнинг муқаддас китоби Қуръони каримга, Тавротга ва Инжилларнинг ҳақиқий нусхаси Аллоҳ таоло томонидан нозил қилинганлигига иймон келтирамиз. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг “Қалр” сурасининг 1- оятида :

أَنَا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ

яъни: “Биз Қуръонни қалр кечасида нозил қилдик”, — деб Қуръони каримни мукаммал китоб шаклида

еттинчи осмондан биринчи биз яшаб турган дунё осмонига туширганини хабар қилган. Қуръон 23 йил мобайнида пайғамбаримизга секин-аста нозил бўлган.

Дарҳақиқат, замона ўтиши билан Қуръоннинг маъноси янада очикроқ ва равшанроқ кашф бўлмоқда. 1969 йил 20 июл куни ойга қадам қўйган америкалик космонавтлар — “Аполлон-11” кемасининг гуруҳ аъзолари — Ольдриж, Коллинс, Армстронглар ўз кўзлари билан Қуръони каримнинг китоб шаклини кўришиб, видеокамерага суратини ҳам туширишди. Аллоҳ яна бир карра инсонларга Ўзининг қудратини ва муқаддас китоби Қуръоннинг ҳақлигини намоён қилди.

Қуръон шундай бир мўъжизаки, ўқиган сари ўқигингиз келади. Биринчи марта ўқилганда тушунилган маъноси кейинги ўқилганда янада кенгроқ кашф бўлади.

АЛЛОҲНИНГ ПАЙҒАМБАРЛАРИ

Тўртинчиси: “Аллоҳнинг жамики пайғамбарларига ишондим”, демоқ. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга жаннатда жон ато этиб, онамиз Ҳаво билан жуфти ҳалол қилиб қўйгач, тақдирларида битилган хатони қилиб қўйиб, жаннатдан чиқарилдилар. Улардан фарзандлар дунёга келиб, инсоният кўпая бошлади. Энди улар ашаддий душманимиз шайтоннинг сўзига кириб адашиб кетмасликлари учун илоҳий қонунни билдирадиган бир раҳнамо керак эди. Аллоҳ Ўз қудрати билан яратган Аллоҳнинг дийдорини кўришга мушарраф бўлган, инсониятнинг отаси, биринчи банда — Одам сафиюллоҳни ўз фарзандларига пайғамбар қилди. Аллоҳнинг қудрати ва хоҳиш-иродаси билан онамиз Ҳаводан ҳар сафар эгизак бир ўғил ва бир қиз туғилар эди. Дунёда улардан бошқа инсон зоти йўқлиги учун, илоҳий қонунга биноан биринчи қоринда туғилган қизни иккинчи қоринда туғилган ўғилга никоҳлаш керак эди. Биринчи туғилган Қобил, ўзи билан бир қоринда туғилган қиз чиройли бўлгани учун, шайтон васвасасига алданиб, уни укаси Ҳобилга никоҳлашга қаршилиқ кўрсатади. Одам алайҳиссаломнинг амрига биноан, ҳар иккала фарзанд ҳам қурбонлик қилиши ва кимнинг қурбонлиги қабул бўлса, ўша чиройли қизни олиши керак эди. Ҳобилнинг қурбонлиги қабул қилиниб, у Қобил билан туғилган қизга никоҳланиши қатъий бўлди.

Кунлардан бир кун, падари бузруквори Одам алайҳиссалом йўқлигидан фойдаланиб, қалбида ҳасад ўти ёниб юрган Қобил ўз укаси Ҳобилни ўлдириб, синглисини олиб қочди, ўшандан бошлаб инсонлар икки гуруҳга — кофирлар (ҳақни қабул қилмайдиган саркашлар) ва мусулмонлар (ҳаққа итоат қилувчилар)га бўлинди. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссалом вафотларидан кейин ўз замонасининг бузғунчиларига тўғри йўлни кўрсатадиган пайғамбарларни юбориб турди. Аллоҳ таоло томонидан юборилган пайғамбарлар ниҳоятда кўп бўлиб, улардан 25 таси Куръони каримда зикр қилинган.

1. Одам (а.с.)
2. Идрис (а.с.)
3. Нух (а.с.)
4. Ҳуд (а.с.)
5. Солиҳ (а.с.)
6. Иброҳим (а.с.)
7. Лут (а.с.)
8. Исмоил (а.с.)
9. Исҳоқ (а.с.)
10. Ёқуб (а.с.)
11. Юсуф (а.с.)
12. Айюб (а.с.)
13. Шуайб (а.с.)
14. Мусо (а.с.)
15. Ҳорун (а.с.)
16. Довуд (а.с.)
17. Сулаймон (а.с.)
18. Илёс (а.с.)
19. Алясъа (а.с.)
20. Юнус (а.с.)
21. Зулкифл (а.с.)
22. Закариё (а.с.)
23. Яҳё (а.с.)
24. Исо (а.с.)
25. Муҳаммад (с.а.в.)

Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарларнинг энг охиргиси бўлиб, бу зотдан кейин пайғамбар келмайди. Пайғамбаримиз (с.а.в.): *“Юборилган пайғамбарларнинг ҳаммаси мукамал бир бино бўлса, мен ўша бинонинг охирги гиштиман”*, — деганлар. Кимда ким пайғамбаримиздан кейин пайғамбарлик даъво қилса, у ўлимга маҳкуmdir. Биз инсонлар Аллоҳ таоло томонидан юборилган ҳамма пайғамбарларни ҳақ деб эътиқод қилишга

буюрилганмиз. Янги қонун чиқиб, эскиси бекор қилин-ганидек, охирги пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом келиб, улардан олдин келган барча шариатларни бекор қилганлар. Кимки пайғамбарларнинг бирига ишониб, бирига ишонмаса, Аллоҳга осий бўлиб, кофир саналади.

ҚИЁМАТ КУНИ

Бешинчиси: “Охирги кунга, яъни қиёмат куни бўлишига ишондим”. Аллоҳ таоло нимаики яратган бўлса, ҳаммасини ажали — муддати, яъни белгиланган умри билан яратган. Аллоҳ таоло “Қасос” сурасининг 88-оятда:

كلّ شيءٍ هالكٍ الا وجهه

яъни: “Ёлғиз Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса ҳалок бўлувчидир”, деб дунёнинг ҳам ҳалок бўлишини, охирига етишини билдирган. Аллоҳ таоло дунёни олти кунда яратиб, якшанбада бошлаб жумала тугатди. Одамни ҳам жума кунининг охирида — аср билан шом орасида яратган. Ҳамма нарса мукаммал бўлганлигидан, олтинчи кунни жума куни “жамъ қилинган” деб атади. Ҳамма нарса жума куни мукаммал бўлганлиги учун Аллоҳ таоло бандаларига жума кунини улуғ ибодат куни қилиб, тўпланиб — жам бўлиб ибодат қилишга буюрди. Бу кун кунларнинг саййиди, мискинларнинг ҳажи деб саналади. Дунёнинг мукаммал бўлиши жума куни бўлганлиги учун дунёнинг ҳалок бўладиган куни, яъни охирги кун ҳам жума куни бўлади. Ўша кунда бутун дунё обод, ҳамма томонлама ривожланган, халқ ниҳоятда тўқ-фаровон, хайру эҳсонга муҳтожлар йўқ бўлиб, Аллоҳни бутунлай унутишиб, диёнатдан асар ҳам қолмайди. Шунда Аллоҳ Исрофил алайҳиссаломга сурга дам уришга буюради. Сурга дам урилгач, унинг даҳшатли овозидан бутун дунёда қанча махлуқотлар бўлса, ҳаммаси бирданига ҳалок бўлади.

ТАҚДИР

Олтинчиси: “Тақдирга ва тақдирдаги яхшилигу ёмонликлар Аллоҳдан эканлигига ишондим”. Аллоҳ таоло Қуръони каримда тақдирот ҳақида муҳим ҳақиқат-

ни зикр қилади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам ҳадиси шарифларида тақдирот ҳақиқатини умматларига билдирганлар.

قدر الله مقادير الخلق ان يخلق السموات والارض بخمسين

ألف سنة (رواه مسلم والترمذى)

яъни: “Аллоҳ таоло еру осмонларни яратмасдан элик минг йил олдин халойиқнинг тақдирларини ёзган”. Шу тақдиротда нимаики бўлса, изма-из, қадам-бақадам, ўзгармасдан ҳаммаси вужудга келаверади. Ҳар бир инсоннинг тақдироти ва ундаги 4 нарса эса онасининг қорнида пайдо бўлиши билан ёзилади: биринчиси — умри, иккинчиси — ризқи, учинчиси — касб-кори, тўртинчиси — бахти ёки бахтсизлиги ёзилади. Саҳобалар: “Эй Расулulloҳ, тақдиримизда бахтли ёки бахтсизлигимиз ёзилган бўлса, унда амал қилиб нима қиламиз”, — деб сўрашди. Расулulloҳ: “Йўқ, ҳар бир инсон нимага яратилган бўлса, ўша йўл, яъни дўзахийга — (бахтсизга) дўзах йўли, жаннатийга (бахтлига) жаннат йўли осон қилинади”, — деганлар. Тақдирнинг ҳақ эканлигини ҳар бир зийрак инсон ўз ҳаётида бир неча марталаб синаб кўриши мумкин. Аллоҳ таоло баъзи бандаларига тақдирда ёзган нарсасини тушида бир қанча кунлар олдин билдириб қўяди. Тушида кўрган тақдирига ёзилган нарса бир қанча кундан кейин воқеликка айланади, ўнгидан келади. Масалан, Юсуф алайҳиссаломга Мисрда подшо бўлишлари, оналари ва ўн битта акалари у зотга таъзим қилишликлари 40 йил олдин тушларида кўрсатилган эди.

ҚАЙТА ТИРИЛИШ

Еттинчиси: “Ўлгандан сўнг қайтадан тирилишга ишондим”. Исрофил алайҳиссалом сурга дам уриб, ҳамма жони бор зот ҳалок бўлгач, Аллоҳ таоло: “Қани дунёда ер талашиб мол-дунё учун бир-бирини ўлдирганлар, бу кун мулк -подшолик кимники? —

" لمن الملك اليوم "

деб сўрайди. Унга жавоб берадиган биронта ҳам

жонзот топилмайди. Шунда Аллоҳ таоло “Ғофир” сурасининг 16-оятда Ўзига Ўзи:

"الله الواحد القهار"

яни: “Ёлғиз қаҳрли Аллоҳники”, деб жавоб беради. Шунда орадан 40 йил ўтиб, бандаларини ҳисоб-китоб қилиб, ёмон амал қилганларини дўзахга ва яхши амал қилганларини жаннатга киргизиш учун иккинчи марта сурга дам уришни Исрофил алайҳиссаломга амр қилади. Сурга дам урилиб, дунёнинг аввалидан охиригача қанча жонзот бўлса, ҳаммаси баробарига тирилади. Қиёмат кунининг муддати дунё умричалик бўлиб, у куннинг даҳшатидан 18 ёшли йигитлар 100 ёшли чолга ўхшаб, сочсоқоли оқариб кетади. Ҳамма инсонлар оч-яланғоч ҳолда узоқ муддат шу ҳолатда ташлаб қўйилади. Бу ҳолатдан қийналиб кетган халойиқ: “Бундан кўра бир ёқли бўлганимиз яхши, ким Аллоҳга мурожаат қилади”, деб бир-бирлари билан маслаҳат қилишади. Шунда: “Одам алайҳиссаломни Аллоҳнинг ўзи яратиб, жаннатга киргизиб, Ўз дийдорини кўрсатди. Биринчи пайғамбар қилиб танлади. Шу зотга мурожаат қилсак, шоядки Аллоҳ у зотнинг сўзини қабул қилиб, ҳисоб-китобимизни бошласа”, дейишиб, Одам алайҳиссаломнинг олдиларига боришади. У зот: “Эй фарзандларим! Мен Аллоҳнинг амрига итоат қилмай, тақиқланган неъматни еб, осий бўлиб, жаннатдан қувилган бўлсам, қайси юз билан Аллоҳга мурожаат қиламан. Ўзимдан кўрқаман”, — дейдилар ва: “Мендан кейин ер юзига Нуҳ (а.с.) катта пайғамбар бўлиб келган, унга боринглар, шоядки у Аллоҳга мурожаат қилиб, шафоат қилса”, деб Нуҳ алайҳиссаломга боришни маслаҳат берадилар. Халойиқ у кишининг ҳузурига йиғилиб боришади. У зот ҳам: “Мен ўз нафсимдан кўрқаман, халойиққа тўфон балосини сўраганман. Мендан кейин Иброҳим халитуллоҳ улуғ пайғамбар бўлиб келган. Унга боринглар, шоядки у шафоат қилса”, — деб Иброҳим алайҳиссаломга юборадилар. Иброҳим алайҳиссалом ҳам умрларида заруратан 3 марта ёлғон гапирганларини айтиб, узр сўрайдилар ва Мусо алайҳиссаломга боришни маслаҳат берадилар. Мусо алайҳиссалом ҳам бир инсонни бир мушт уриб ўлдириб қўйганларини айтадилар. Халойиқни Исо алайҳиссаломга юборадилар. Исо алайҳиссалом ҳам: “Умматларим мендан кейин адашиб, мени

ва онамни худо деб, яна бир тоифаси худонинг ўгли дейишди. Шунинг учун ўзимдан кўрқаман. Аллоҳнинг ҳабиби Муҳаммад алайҳиссаломга боринглар”, деб охир замон пайғамбарига юборадилар. Халойиқ у зотга му-рожаат қилганида, у зот шафоат қилишни ўз зимма-ларига олиб, Аллоҳни Арши рўбарўсига бориб, сажда қилиб: “Эй Раббим, бандаларингга раҳм қилсанг ҳам, азобласанг ҳам ўзингни мулкинг.

و رحمتى وسعت كل شىء

“Раҳматим ҳамма нарсани ўз ичига сиғдиради” (“Аъроф” сураси, 156-оят), деб раҳматинг кенглигини ўзинг билдиргансан, ўз раҳматингга олиб, бандаларинг-ни бу машаққатдан қутқариб, ҳисоб-китобларини бош-лагин”, деб йиғлаб ёлборадилар. Аллоҳ: “Эй ҳабибим, бошингизни кўтаринг, шафоатингиз қабул қилинди”, дегандан сўнг саждадан бош кўтарадилар ва адолат та-розуси ўрнатилиб, ҳисоб-китоб бошланади. Яхши ин-сонлар жаннатга, ёмонлар дўзахга кирганидан сўнг, Аллоҳ таоло ўлимни Аросат майдонида (дўзах билан жаннат орасидаги жойда) дўзахийларга ҳам, жанна-тийларга ҳам кўрсатиб, сўйдиради. Ўлим кўчқор ша-клида бўлиб, ниҳоятда учқурлигидан ҳеч кимнинг кўзи уни илғай олмайди. Ҳар куни дунёда қанча инсон ўла-диган бўлса, ўша ўлим келиб тегиб кетади, шундан кейин Азроил унинг жонини олади. Дўзахийларга кўрса-тиб сўйдириши дўзах аҳлини хўрлаш учун бўлиб, бир кун ўлим келиб, дўзах азобларидан қутуламан, деган умидлари узилсин, абадий азобга гирифтор бўлганли-гини билсин деб қилинади; жаннатийларга кўрсатиш сабаби, уларнинг неъматига неъмат қўшилсин, бир кун ўлим келиб, бу роҳату фароғатлар, айшу ишратлардан ажралиб қоламиз, деган хавф йўқолсин, деб қилинади. Жаннатга кирганларнинг ҳаммалари бир хил гуркира-ган ёшда бўлиб, абадий қиз, абадий йигит бўлиб қола-дилар, бемор бўлмайдилар. Жаннатнинг ноз-неъматла-ридан тановул қилиб юрадилар. У ерда ибодат йўқ, фақат Аллоҳ берган неъматларга шукр қилиб, “Алҳамдулил-лаҳ”, деб юришади. Аҳли жаннатийларнинг ҳаммала-рини қалблари бир инсоннинг қалбидек мусаффо бўлиб, ҳеч кимда ҳасад, гина-кудурат бўлмайди. Аҳли

жаннат жаннатдан туриб Аллоҳнинг жамолини кўришга мушарраф бўлади. Ҳар жума куни бир чақирув бўлиб, жаннатдаги ҳамма кишилар жаннат майдонига йиғилдилар ва Аллоҳ таоло уларга хусн тарқатади. Аллоҳ таоло хусни юз фоиз қилиб, шундан бир қисмини бутун дунё халқига берган, қолган 99 қисмини ҳар жума куни жаннатийларга тарқатади. Улар хуснлари зиёда бўлган ҳолда ўз қасрларига қайтадилар, у ердаги жуфти ҳалоллари: “Хуснингиз зиёда бўлибди, жаннатда сиздан чиройлироқ нарса йўқ”, деса, улар ҳам қасрда туриб хусни зиёда бўлган жуфтларига: “Жаннатда сендан чиройлироқ нарса йўқ”, дейишади. Шу даражага эришмоқ учун имтиҳон макони бўлган бу дунёда фақат яхшилик ва яхшиликларнинг ҳамма турларини қилиш керак.

Ақлни лол қолдирадиган Аллоҳнинг улуғ қудратларини кўра туриб ҳам ўлгандан кейин тирилишга ишонмайдиган кимсалар энг ақли заиф инсонлардир. Аллоҳ ўз қудрати билан энг оғир ишни, яъни қолипи, андозаси, шакли йўқ инсонни йўқ жойдан бор қилиб, аввал отамиз Одам алайҳиссаломни лойдан яратди, ундан кейин қолганларни сулола қилиб, томчи сувдан яратди. Шу илк яратишга қодир бўлган Зот, бор бўлган нарсани, яъни инсонни ўлгандан сўнг қайта тирилтиришга қудрати етмайдими? Йўқ жойдан бор қилишга, инсондан неча миллион марталаб катта бўлган еру осмонларни яратишга қараганда ўликни тирилтириш осонроқ-ку! Бу Аллоҳ учун ҳеч гап эмас. Аксинча, ўлгандан сўнг тирилиш борлигига ҳурсанд бўлиб, ҳаётимиз фақатгина шу ташвишли дунёдан иборат эмас экан-ку, деб Аллоҳга тасаннолар айтишимиз лозим бўлади.

ҲАҚИҚИЙ ИСЛОМ (Исломининг беш асоси)

1. ИЙМОН

Ҳақиқий Ислום қандай бўлиши кераклигини пайғамбаримиз ўз муборак ҳадислари билан билдириб, “*Буниял Исламу ғала хомсин: шаҳодату алла илаҳа иллаллоҳу ва анна Муҳаммадан ғабдуҳу ва расулуҳ ва иқомиссолати ва ийтаиззақати ва савми рамазона вал ҳажжжи*”. Яъни: “Ислום дини беш нарсага бино қилинган: Би-

ринчиси: “Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур-расулulloҳ”, деб қалбидан гувоҳлик бермоқлик, яъни ибодат қилмоқликка ҳеч қандай лаёқатли маъбуд йўқ, магар ёлғиз Аллоҳнинг Ўзигина бордир, Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг бандалари орасидан танланиб, уларга юборилган элчисидир”. Бу калима энг олий сўз бўлиб, еру осмонда бунга тенг келадиган савобли сўз йўқ. Бу сўз гўёки инсон танасидаги жонга ўхшашдир. Танада жон бўлмаса, тана кўмилишдан бошқа нарсага ярамаганидек, бу сўзни айтмаганларнинг ҳар қандай бошқа амаллари жонсиз танага ўхшашдир. Дарҳақиқат, бу калимани айтган инсон ўзини ҳар қандай ботил эътиқодлардан тозалаган бўлиб, мусаффо қалбли мусулмон эканлигига иқрор бўлиб, ислом эшигидан ичкарига кирган бўлади. Аллоҳнинг улуғ пайғамбарларидан бири Мусо алайҳиссалом Аллоҳдан: “Эй Раббим, Сенга дуо қилмоқлигим учун менга махсус бир дуони ўргатгин”, — деб сўраганларида Аллоҳ таоло: “Ла илаҳа иллаллоҳ” дегин”, деди. Мусо алайҳиссалом: “Эй Раббим, бу сўзни ҳамма банданг айтади, мен Сендан ўзимга махсус дуо сўраяпман”, — деди. Шунда Аллоҳ таоло: “Эй Мусо, “Ла илаҳа иллаллоҳ” — менинг кўрғоним, кимда-ким шу сўзни ихлосу муҳаббат билан айтса, менинг кўрғонимга киради. Мен у бандани жамики офату балолардан сақлайман”, — деган. Бу калиманинг номи “Калимаи тоййиба” бўлиб, “покиза сўз” деган маънони англатади. Бу калимада бир кеча-кундуз миқдорича 24 ҳарф бўлиб, ихлос билан айтган кишининг бир кеча-кундузлик гуноҳи ювилади ва бу калиманинг савоби ниҳоятда кўп бўлиб, унинг мукофоти жаннатдир. Шунинг учун Расулulloҳ (с.а.в.): “Кимнингки охирги сўзи “Ла илаҳа иллаллоҳ” бўлса, жаннатга киради”, деганлар.

2. НАМОЗ

Иккинчиси — беш вақт намоз: бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон намозлари бўлиб, булар қалбдан адо этилиши керак.

Биринчи — бомдод намози 4 ракат бўлиб, аввалги 2 ракати суннат, кейинги 2 ракати фарздир.

Иккинчи — пешин намози 10 ракат бўлиб, 4 ракати суннат, 4 ракати фарз ва яна 2 ракати суннатдир.

Учинчи — аср намози 4 ракат фарздан иборат.

Тўртинчи — шом намози 5 ракат бўлиб, 3 ракати фарз ва 2 ракати суннат.

Бешинчи — хуфтон намози 9 ракатдан иборат бўлиб, 4 ракат фарз, 2 ракат суннат ва 3 ракат витри вожибдир.

Шу 5 вақт намоз маҳалларида осмон эшиклари очилиб, инсон шу вақтларда ўзининг банда эканлигини изҳор қилиши лозим бўлади. Намоз ўқувчи киши 7 аъзоси — энг мўътабар боши, пешона, 2 қўл кафтлари, 2 тиззаси, 2 оёқ учлари билан сажда қилиб, “Субҳона раббиял аъло” деб, яъни: “Олий, юксак Парвардигорим покдир”, — дея Яратганни зикр қилади, эсга олади. Аллоҳ таоло Куръони каримнинг “Тоҳа” сураси, 14-оятда: “Ақимуссолата лизикрий” - “Мени зикр қилмоқ - эсга олмоқ учун намоз ўқигин”, — дейди.

Намоз ўқувчи инсон ҳар куни беш марта: “Сен менинг холиқимсан”, — деб Аллоҳни эсга олади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) намозни анҳорга ўхшатиб: “Уйларингиздан анҳор оқиб турса, ҳар куни шу анҳорда беш марта ювинсангиз, сизларда кир қоладими!” — деб сўрадилар. Саҳобалар: “Йўқ”, - дейишди. Шунда: “Беш вақт намоз ҳам анҳорга ўхшаб гуноҳларни ювиб туради”, — деганлар.

Инсон хатодан холи эмас, билмасдан бомдод намозидан кейин хато қилиб қўйса, пешин намозни ўқиш билан хатоси ювилади, шомдан кейин хато қилса, хуфтонни ўқиш билан хатоси ювилади. Беш вақт намоз билан ювилмайдиган каттароқ хато қилган бўлса, жума намози хатосини ювади. Хатолари ундан ҳам каттароқ бўлса, рамазон ойида ювилади. Ундан ҳам каттароқ бўлса, ҳайит намозларида, ундан ҳам қолганлари бўлса, ҳажда ювилади. Аллоҳ ота-оналаримиздан ҳам кўра меҳрибонроқ бўлгани учун биз бандаларига ибодатларни буюрдики, шу ибодатлар билан гуноҳларимиз ювилиб, Аллоҳнинг ҳузурига ёруғ юз билан бориб, Жаннатга эришмоғимиз учундир. Шунинг учун ҳадиси шарифда: “Кимда-ким Аллоҳ томонга бир қарич юрса, Аллоҳ у бандага қадамлаб келади. Банда қадамлаб келса, Аллоҳ у бандага югуриб келади. Банда югуриб борса, Аллоҳ елиб келади”, деганлар. Аллоҳ “Анкабут” сурасининг 45-оятда: “Ақимуссолата иннассолата танҳа анил фаҳшаии вал мункар”, яъни: “Намоз ўқингизлар, албатта намоз инсонларни ёмон, хунук ишлардан ва шариат

инкор қилган жами гуноҳлардан қайтаради”, — дейди. Дарҳақиқат, инсон намоз ўқиган сари ундан ёмон хулқлар узоқлаша бошлайди. Намоз унинг назоратчиси бўлиб қолади. Банда бир жиноят ишни қилмоқчи бўлса, намоз уни бу жиноятдан қайтариб: “Эй банда, намозхон бўла туриб шу ишни қиласанми?” — дейди. Намозхон банда ўз-ўзидан тийилиб, у жиноятга қўл урмайди ва жиноят балоларидан сақланиб қолади.

ЖУМЪА НАМОЗИ

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло мўъмин бандаларига “Жумъа” сурасининг 9-ояти каримаси билан:

“يا ايها الذين آمنوا اذا نودى للصلاة من يوم الجمعة
فاسعوا الى ذكر الله و ذروا البيع ذلكم خير لكم ان كنتم
تعلمون”

“Эй иймон келтирганлар, қачон жумъа куни жумъа намозига чорланса (яъни, азон айтилса), дарҳол олди-сотдини қўйиб, Аллоҳнинг зикрига шошилишлар, агар билсаларингиз, мана шу (яъни, намозга шошилишингиз) сизлар учун яхшироқдир!” деб, жумъа намозини фарз қилди. Кунларнинг ичида энг улуғи жумъа кунидир. Имом Аҳмад ва Ибни Можжа расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилган муборак ҳадисда: “Жумъа куни кунларнинг саййиди ва у кун Аллоҳнинг наздида рўза ҳайити ва қурбон ҳайитидан ҳам улуғроқдир. У кунда олти хислат бор: биринчиси, Одам алайҳиссалом ўша кунда яратилган. Иккинчиси, Одам алайҳиссалом жаннатга киргизилган. Учинчиси, Одам алайҳиссалом жаннатдан чиқарилган. Тўртинчиси, Одам алайҳиссалом шу куни вафот эттирилган. Бешинчиси, қиёмат ҳам шу куни бўлур. Олтинчиси, шу куни беркирилган бир соат борки, мусулмон киши шу соатда Аллоҳга нима дуо қилса, дуоси қабул бўлур”.

Жумъа намозиди мусулмонлар бир-бирлари билан танишадилар, орадаги фарқлар йўқолади, инсонларда ўзаро тенглик намоён бўлади. Жумъа намозиди эшитган ваъзу насиҳатларини хонадонлари аҳлига етказиб, уларни илму маърифатдан баҳраманд қилиб, ҳалолу

ҳаромдан, яхши-ёмондан хабардор қиладилар. Ғусл қилган ҳолда покиза кийимларни кийиб, хуш бўйлар сепиб, Исломни назофатли пок дин эканлигини намоён қиладилар. Жумъа намози мусулмонларнинг таълим-тарбия оладиган, яхши ахлоқларни ўрганиб, ёмонликлардан тийиладиган, ҳар турли яхшиликларни ўрганадиган ҳафталик ҳаёт мактабидир. Аллоҳ кўпчиликнинг дуосини қабул қилганлигидан, бу кун мусулмонлар эл-юрт равнақи, ватан фаровонлиги, тинчлик барқарорлиги учун дуолар қиладилар. Жумъа намози пешин вақтида 10 ракат: 4 ракат суннат, 2 ракат фарз ва яна 4 ракат суннат ўқилади.

Жумъа ўқимоқ учун уни шартлари бўлиб, биринчиси: намоз ўқийдиган киши ҳур ва озод мусулмон бўлиши. Иккинчиси: балоғат ёшига етган бўлиши. Ёш болаларга жумъа фарз эмас. Учинчиси: оқил бўлиши керак, мажнунга жумъа фарз эмас. Тўртинчиси: рухсатли жомеъ масжиди бўлиши, маҳалла масжидларида жумъа ўқилмайди. Бешинчиси: муфтий ёки қози томонидан тайинланган имом бўлиши. Олтинчиси: муқим бўлиши, мусофирларга жумъа фарз эмас. Еттинчиси: тани соғ бўлиши, ногиронларга, кўрларга, беморларга жумъа фарз эмас. Саккизинчиси: эркак бўлиши, хотинларга жумъа фарз эмас. Тўққизинчиси: имомдан ташқари камида учта одам бўлиши керак. Шу шартлар топилмаса жумъа ўрнига пешин намози ўқилади. Гарданига жумъа намози фарз қилинмаганлар жумъа намозига келсалар, пешин намози ўқишмайди. Жумъадан кеч қолганлар пешин ўқишади.

3. ЗАКОТ

Учинчиси — закот бўлиб, бу молий ибодатдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг қайси жойида намоз ўқинглар деб буюрган бўлса, унга ёнма-ён қилиб, закотларингни беринглар, дейди. Закотнинг асли маъноси поклаш бўлиб, пешона тери билан топилган мол-дунёлардан берилади. Закот ҳаммага ҳам фарз бўлмасдан, фақат моли нисобга етган кишиларга фарздир. Бир мусулмоннинг моли умрбод нисобга етмаса, закот унга фарз бўлмаслиги мумкин ва яна бир мусулмоннинг моли ҳар йили нисобга етса, закот ҳар йил унга фарз бўлиши мумкин. Закот инсонларни бир-бирларига дўст

бўлишга чорлайдиган амал бўлиб, камбағални бойга нисбатан бўлган ҳасаду нафратини кетказиб, унинг ўрнига меҳр-муҳаббат пайдо қилади. Чунки инсон яхшиликнинг қули бўлиб, яхшилик қилган инсонни севади.

Натижада ижтимоий ҳаётда иноқлик вужудга келади. Шунинг учун дунёнинг қоимлиги, юртнинг тинч, фаровон бўлиши тўрт нарсадан: подшоҳларнинг адолати, бойларнинг саховати, фақирларнинг дуолари, уламоларнинг панду насиҳати билан бўлади, дейилиши бежиз эмас. Закот берган кишини Аллоҳ дўст тутиб, унинг ўзини ва мол-дунёсини Ўз ҳифзу ҳимоятига олади. Шунинг учун закот берилса, мол-дунёни ўт куйдирмайди, ўғри ололмайди ва ҳеч қандай балолар ҳам тегмайди. Закотнинг нисоб миқдори йигирма мисқол олтин оғирлиги бўлиб, бир мисқол тўрт граммдан озгина оғирроқ, йигирма мисқолни тўртга кўпайтирсак, саксон граммдан озгина ортиқроқ бўлади. Кумуш эса икки юзта кумуш танганинг оғирлиги бўлиб, у беш юз тўқсон беш граммни ташкил этади. Шу миқдордаги олтин ёки кумуш қийматида маблағи бўлган киши, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин бой саналиб, ҳамма пулини ҳисоб-китоб қилиб, қирқдан бирини беради. Уч турлик молдан закот берилади: олтин ва кумушдан, сотиладиган молдан, яйловда ўтлайдиган ҳайвонлардан.

Закот у йилдан бу йилга бир марта берилади. Муҳаррам ойи йилнинг боши бўлса ҳам, бизнинг диёримизда Рамазон ойида закот бериш одат бўлган, чунки бошқа ойларда берса, савоби бирига ўн бўлиб, рамазон ойида берса савоби етти юз марта зиёда бўлади. Закотни кимга бериш кераклигини Аллоҳ таоло “Тавба” сурасининг 60-оятда зикр қилган бўлиб, улар саккиз тоифа кишиларни ўз ичига олади: биринчи — камбағаллар, иккинчи — мискинлар, турар жойи, бола-чақаси, қариндош-уруғи йўқ кимсалардир. Бундайларни давлатимиз ўз қарамоғига олган. Учтинчи — ҳукумат томонидан тайинланган закот йиғувчилар, булар бизда йўқ, улар Ислом мамлакатларида бўлади. Тўртинчи — аввал кофир бўлиб, Ислом динини қабул қилганлар. Бешинчи — қуллар, ҳозир улар дунёнинг ҳеч қаерида йўқ. Олтинчи — ёниб кетиш, зилзила, сел олиб кетиши ва турли офатлар билан уй-жойидан, мол-дунёсидан ажралиб қолганлар. Еттинчи — Аллоҳ йўлида ўзини илмга фидо қилганлар. Саккизинчи — мусофирлар,

аслида ўзига тўқ бўлишса ҳам, мусофирчиликда турли сабабларга кўра мол-дунёсидан ажралиб қолганлар.

Шу зикр қилинганлардан қайси бирлари топилса, шуларга бермоқлик Аллоҳ таоло томонидан фарз қилинган. Шуларнинг ичида қариндошлари топилиб қолса, уларга бермоқлик савоби 2 ҳисса бўлиб, биринчиси закот бергани бўлса, иккинчиси силаи раҳм, яъни қариндошлик қилгани, булардан топилмаса, масжидларга берилади.

Пулдан ташқари бир кунига ярар деб, олиб қўйилган қимматбаҳо нарсалардан ҳам пул чақиштириб, закот берилади. Чорвалардан: қорамол, қўй-эчки ва туялардан ҳам закот берилади. Ерни ҳайдаб суғориб, экиладиган экинлардан ушр — ўндан бирини закот қилиб бериледи. Закот бериши билан мол-дунёси камаймайди, аксинча Аллоҳ баракасини бериб, мол-дунёси зиёда бўлади.

4. РЎЗА

Тўртинчиси — рамазон ойининг рўзаси бўлиб, у инсоннинг тана ини, руҳини ва ахлоқини тозалайди. Рўза тутмоқ субҳи содиқдан қуёш ботгунича емоқ-ичмоқ ва хотинига яқинлик қилмоқдан тийилиш билан бўлади. Рўза тутувчи саҳарда туриб, субҳи содиққача (субҳи содиқ қуёш чиқишидан 1 соату 45 дақиқа олдин бўлади), саҳарлик қилиши — еб-ичиб олиши керак. Емоқни тугатгач, ният қилмоғи лозим бўлади. Ният қалб билан бўлса ҳам бўлади; лафз билан: “Навайту ан асума совма шахро рамазона минал фажри илал мағриби, холисанлиллаҳи таоло, Аллоҳу акбар”, деб айтмоқлиги яхшироқ бўлади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.): *“Ликулли шайъин закату ва закатул жисми ассавму вас-сияму нисфус-сабр”* — “Ҳар бир нарсанинг закоти, яъни тозаловчиси бўлади. Жасаднинг закоти рўзадир ва рўза сабрнинг ярмидир”, — деганлар. Рўзадан бошқа пайтда инсон нафси хоҳиши билан 2-3 марта овқатланади. Баъзилар нафсини жиловлай олмасдан, ундан ҳам кўпроқ марта овқатланиши натижасида инсоннинг ичида турли гижжаю зарарли микроблар пайдо бўлади. Шунинг учун инсон ўз нафсини жиловлаб, ҳоким бўлиши, унинг саркаш-хоҳишини енга олиши керак. Очлик ва сувсизликка ўрганмаган инсонларнинг вужудларида тўпланган ёғ ва

гўштлар охири таҳликали касалликларга ва ниҳоят, ўлимга олиб келиши мумкин. Очлик пайтда эса тана, аъзоларимизда йиғилиб қолган микробларни ва зарарланган ёрқандларини ейди ва шу тариқа улар озиқланиб, вужудимиздаги зарарли ёғларни бартараф этадилар. Керакли пайтда захарли микроблар билан курашиб, аъзоларимизга кириб келишига тўсқинлик қилади. Натижада аъзои бадан соғлигининг тинч ва мунтазамлигини таъминлайди. Шунинг учун Расулulloҳ (с.а.в.): “Сумуу тасиххуу” — “*Рўза тутинглар, саломат бўласизлар*”, — деб рўза инсонларнинг танасига шифо келтиришини билдирганлар.

Илгари ўтган улуғларимиз ҳам: “Кишининг қорни ўзининг душманидир”, — дейишган. Араб табибларидан бири Ҳорис ибн Колда: “Ошқозон касалликлар уйидир. Парҳезкорлик эса барча давонинг бошидир”, — деган.

Дарҳақиқат, инсон рўза ойида қаттиқ меъёрга кирганлиги учун ошқозон ортиқча меҳнат фаолиятдан бўшаб, дам олади. Инсон ичидаги ортиқча гижжаю микроблар очликка чидай олмай, ҳалок бўлиб, фақат инсонга манфаат берадиганлари қолади. “Бугун ҳақиқий инсонийликни кемираётган дарду фалокатларнинг боши рак ҳам, вабо ҳам, ўлат ҳам ёки табиий офатлар ҳам эмас. Булар қанчалик оғир ва аччиқ бўлса ҳам, чораси топиладиган ҳодисалардир. Асл дард - кишининг ҳақиқий душмани бўлган ошқозони ва нафсини қаноатга ўргатмаганидир...”¹

Зеро, қаноат каби саодатни, ҳузур ва ҳаловатни бошқа ердан излаш ва топиш амримаҳол.

Шўро замонида даҳрийлик, худосизлик сиёсати ҳукрон бўлиб, динсизлик тарғиб қилинар, муслмонлар таъқиб остида эди. Рўза тутганларни сезиб қолишса, мажбурлаб едиришарди. Алҳамдулиллаҳ, мустақиллик шарофати билан халқимиз ҳур, эмин, виждон эркинлигига эга бўлиб, ўз ватанларида яшаётганларини ҳис қилмоқдалар.

Рўза тана шифоси эканлиги ҳақида бақадри ҳол сўз юритдик. Энди руҳ шифоси эканлиги ҳақида икки оғиз сўз. Юқорида: овқат танага озуқа бергани каби рўза руҳга озуқа беради, дедик. Тана овқат емай яшаши мумкин бўлмаганидек, руҳ ҳам озуқасиз яшай олмайди. Маъ-

¹ М. З. Кутку. Рўза — руҳ шифоси. (С. Сайфуллоҳ тарж.). Т., “Истиқлол”, 1999, 34-бет.

нан йиқилади, ўлади, бироқ ҳеч нарсага ярамайди. Маънавий мажруҳ ёки ўлик киши инсонликдан чиқади. Балки ундан ҳам тубанроққа қараб кетади. Жасад — бу оламнинг маҳсули. Руҳ — маъно оламининг маҳсули.

Руҳсиз жасад ҳеч нарсага ярай олмаслиги ҳаммага маълум. Шунга биноан, асл эътибор руҳга қаратилиши керакки, жасаднинг мавжудлиги фақатгина унинг билан қоимдир. Рўза руҳни озуқалайди. Ва унинг ривожланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳар бир инсоннинг ҳақиқий вазифаси жасадни эмас, руҳни ривожлантиришдан иборат. Рўза инсон танасига шифо бериб, руҳни ахлоқли қилиб тарбиялар экан. Рўза тутганда фақатгина емоқ-ичмоқдан тийилиши билан кифояланмасдан, руҳингиз ҳам, ҳалқумингиз ҳам рўза тутсин. Бунинг учун иғво, бўҳтон, чақимчилик, жанжаллашмоқдан, ёлғон сўзлашувдан, бировларнинг обрўсини тўкишдан, дилозорлик ва қўполликлардан сақланиш керак. Шундагина ҳақиқий рўза тутган бўласиз. Рўзадор киши кичикларга ва ожизларга раҳм-шафқатли, катталарга ҳурмат-эҳтиромда бўлиши, қариндош-уруғларга силаи раҳмли бўлиши, бемор ва кексаларни зиёрат қилиб, дуоларини олиши лозим.

Маълумки, инсон бирон нарсани 3-4 кун пайдарпай қилса, шунга одатланиб қолади. Бир ой рамазон ойида ўзимизни юқорида зикр қилинган яхши хислатлар билан тарбиялаб борсак, шу бизга доимо одат бўлиб қолади. Қолган 11 ойга ўз таъсирини ўтказиб, комил инсон бўлишимизга ёрдам бўлади.

Рамазон ойини пайғамбаримиз учта ўн кунлик даҳага бўлганлар: 1) даҳайи раҳмат, 2) даҳайи мағфират, 3) даҳайи Ёитқум-минан-нар. Биринчи ўн кунлик мўминларга Аллоҳнинг раҳмат эшиклари очилган даҳа бўлиб, Аллоҳ бандаларига раҳмат назари билан қарайди. Аллоҳ қайси бандасига раҳмат назари билан қараса, у офат-шикастлардан саломат бўлади. Иккинчи — мағфират даҳаси, бу ўн кунлик ичида Аллоҳ рўзадор бандаларининг ўтган гуноҳларини мағфират қилади, яъни кечиради. Учинчи — даҳайи Ёитқум-минан-нар: Аллоҳ рўза тутган бандаларини дўзахдан озод қилади. Рўза тутмоқ ҳаммага ҳам бирдай фарз бўлмасдан, фақат танаси соғлом, ақлли ва муқим, бошпанаси бор шахсларга фарз бўлади. Беморлар касалликларидан соғайганича узрли ҳисобланади ёки мусофирлар сафар

пайтларида тутмай, уйларига қайтгач, неча кун қолдирган бўлсалар, рамазондан кейин ўшанча кун тутиб берадилар. Қазосини эса пайдарпай тутиш шарт эмас. Келаси йил рамазонгача имкон бўлганида тутиб берса, бўлади. Рўза аниқ зарар берадиган касаллар, сурункали касаллар, шифоси йўқ беморлар, шайхи фоний, яъни ёши улуглар — рўза тутишга кучи етмайдиган қариялар фидя берадилар. Улар шунинг билан рўза тутган савоби-га эришадилар, чунки уларга қазо қилиш имконияти ҳам йўқ. Фидя бир фақирни бир ўтиришда қорнини тўйдирадиган даражадаги овқат ёки шунинг қийматичалик пул, масалан, 1 коса ош, нони билан 250 сўм бўлса, шуни 30 кунга кўпайтирамиз. 7500 сўм бўлади. Рамазон рўзасининг фидяси учун шу миқдордаги закот ва садақотлар берилиши лозим бўлган кишиларга ёки масжидларга тўланади. Ҳайз ва нифос кўрган хотинларга рўза тутиш мумкин эмас. Булар покланганларидан сўнг қазосини тутиб берадилар. Эмизикли боласи бор ёки ҳомиладор хотинлар ҳам рўзанинг қазосини тутишади. Қуёш ботгач, “Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва аъла ризқика афтарту фағфирли йа гоффару ма қоддамту ва ма аххарту”, деб дуо ўқиб, сув ёки хурмо, шунга ўхшаш юмшоқ, олов тегмаган нарса билан оғиз очилади.

Ҳар бир мусулмон хонадони ўз қарамоғида нечта киши бўлса, жон бошига икки килограммдан буғдой ёки шунинг қийматини камбағалларга фитр садақа қилиб беради. Фитр садақа бериш вожиб амал бўлиб, икки хизматни бажаради. Биринчиси, тутган рўзасида қандайдир нуқсонга йўл қўйган бўлса, шу камчиликларни тўғрилайди. Иккинчиси, фақирларга ёрдам бўлади.

5. Ҳ А Ж

Бешинчиси — ҳаж . Бу — мол ва бадан билан адо этиладиган амалий ибодат. Мусулмон киши умрида бир марта бажаради. Бу ҳам шартли ибодат бўлиб, зоди роҳилага эга бўлган, балоғат ёшига етган, ақлли-хушли, куч-қуввати жойида бўлган инсонга фарздир.

Зоди роҳила — бориб келиш харажатлари ва қайтиб келгунича оиласига етгулик таъминотдир. Шунингдек, йўл ҳам бехатар бўлиб, ўз ҳукумати томонидан рухсат ҳам бўлиши шарт. Харажат маблағлари ҳалол йўл би-

лан топилган, қарзлари бўлмаслиги керак. Қарз олиб ҳажга борилмайди. Фарзандлари ўз розиликлари билан беришса мумкин ва ҳоказо. Аммо фарзандлари ўз мулки бўлса ҳам, улардан зўрлаб олиб, ҳажга бориш дуруст эмас. Уй-жойини, уйдаги ўзига ҳожат бўладиган нарсасини сотиб ҳажга бориш дуруст эмас. Порахўрлик ва судхўрлик, кишилар ҳақини уриб қолиш ва бошқа ҳаром йўллар билан топилган мол-дунёга ибодатларнинг қайси бир турини қилмасин, Аллоҳ ҳеч биттасини қабул қилмайди. Камбағалларга ва ногиронларга ҳаж фарз эмас. Ҳаж Ислом динининг бешинчи рукни бўлиб, олдинги рукнларни бажармайдиган кишидан қабул қилинмайди. Аввал калимаи тоййибани айтиши, беш вақт намозни адо этиши, рўза тутиши, моли закотга етса, закот бериши керак. Шундан кейин ҳаж қилса, ҳажи қабул бўлади. Ҳаж фақат қурбон ойида белгиланган кунларда қилинади. Ундан кейин ва олдин қилинса, у ҳаж эмас, умра бўлади. Умра қилиш фарз эмас, мустаҳаб амал бўлиб, қурбон ойдан бошқа ҳамма ойда қилинса, бўлаверади. Ҳаж сайёҳларга ўхшаб меҳмонхонада роҳатланиб, ўйнаб-кулиб, томоша қилиб келинадиган жой эмас. У йўл азобларига чидаб, олдиндан кўрмаган, бегона об-ҳаво шароитлари мавжуд жойларга бориб, у жойларда заҳмату қийинчиликларни бошидан кечирадиган машаққатли ибодатдир. Ҳажга боришга қодир бўлган мусулмон, ҳукуматлар талаб қилган ҳужжатларни расмийлаштирганидан сўнг, белгиланган тайёрага чиқишдан олдин, ҳаж нияти билан фусл қилинади, қўл ва оёқ тирноқларини, кераксиз ҳаром тукларни олиб ташлайди, хотинлар ўз кўйлак ва лозимларини кийиб, рўмолларини ўрайдилар. Эркаклар махсус эҳром киядилар. Эҳром киймоқ ҳажнинг биринчи фарзи саналади. Фусл ва таҳоратдан кейин эҳром кийгач, икки ракат намоз ўқиб: “Эй поко Парвардигоро, Сенинг розилигинг учун ҳаж қилишни ният қилдим. Қиладиган ҳаж амалимни даргоҳингда қабул қилгин, сафаримни бехатар қилгин, ҳаж амалларимни осон қилгин. Эсон-омон бола-чақамнинг олдига қайтиб келишни насиб этгин. Эй Раббим, уй-жойимни, мол-дунёимни, фарзандларимни Ўзингга топширдим!” — деб дуо қилади ва кунда уч марта талбия айтади: “**Лаббайкаллоҳумма лаббайк, лаббайка ла шарика лака лаббайк. Иннал-ҳамда ван-неъмата лака вал-мулку ла шарик**

ка лак”, яъни: “Ё Аллоҳ, ҳузурингга лаббай деб келдим. Сенинг амрингга тайёрман. Сенинг шеригинг йўқ, ёлғизсан. Чақирувингга лаббай деб келдим. Ҳамду сано сенга бўлсин, барча неъматлар ва мулк сеникидир, сенинг шеригинг йўқ”. Бу такбирни уйдан чиққандан бошлаб, то ҳайит куни шайтонга биринчи марта тош отгунича айтиб бораверади. Шайтонга биринчи марта тош отгандан бошлаб талбия айтиш тўхтатилади. Ҳажнинг иккинчи фарзи зулҳижжанинг 9-кунида арафа куни Арафот тоғи майдонида чиқишдир. Бу ҳажнинг энг муҳим рукни бўлиб, Арафотга бормаганлар ҳожи саналмайди. Арафотда пешин пайтида бир азон, икки такбир билан аввал икки ракат пешиннинг фарзи, кейин икки ракат аср намози байнал жамъ қилиб қўшиб ўқилади. Асосий иш — пешиндан кейин то шомгача умрида қилган жами гуноҳлари учун Аллоҳга ёлвориб, тавба-тазарру билан йиғлаб, дуолар қилади. Юртининг тинч-обод бўлишини, давлатининг буюк давлатлар қаторида бўлишини, халқининг тўқ-фаровон бўлишини тилаб, оиласи ва фарзандлари ҳаққиға бахт-саодатлар тилаб, ўзининг дунёдаги ҳожат ва мақсадларини ҳамда охиратини сўрайди. Арафот майдонининг ўртасида “Жабалур-раҳма” — “Раҳмат тоғи” бўлиб, у ерга Аллоҳнинг раҳмати тушганлигидан “Раҳмат тоғи” дейилади. Отамиз Одам алайҳиссалом жаннатдан чиқарилиб, қилган гуноҳларига тавба-тазарру қилдилар. Ва дуо қилдилар. Шу жойга келганларида Аллоҳнинг раҳмати ёғилиб, у зотнинг гуноҳлари кечирилди. Шу пайдан Арафот тоғига бориш фарз бўлди. Арафот тоғига бориб, тавба-тазарру қилган киши озроқ гуноҳим қолдимкан деб гумон қилса, қилган ҳажи ҳаж бўлмасдан қолади. Ҳажга, хусусан Арафотга борган кишининг ҳамма гуноҳлари ювилиб, онадан туғилгандек бўлиши ҳақида ҳадислар бор. Қуёш ботгандан сўнг, шом намози ўқилмасдан, ҳамма йиғилган ҳожилар Арафот майдонидан Муздалифага қараб йўлга тушадилар. Муздалифага келибоқ, бир азон, икки такбир билан аввал 3 ракат шом намозини, кейин хуфтон ва витр вожиб намозларини ўқиб олишади. Унда шайтонга тош отмоқ учун белгиланган 49 дона нўхотдек келадиган тошчалардан териб олишади. Бошқа жойдан тош олиш мумкин эмас. Муздалифада тунаб қолиб, дуолар қилинади. Муздалифа ҳам Арафотга ўхшаб дуолар қабул бўладиган жой. Бомдод намози ўқилгач, ҳамма баробарига

қурбонлик сўйиладиган жойга — Минога бориб, ҳажнинг қолган амалларини давом эттиради. Ҳажга чиқмаган шаҳар халқи қурбон ҳайити намозини ўқийди. Ҳожиларнинг қиладиган ўз машғулотлари бўлганлиги учун ҳайит намозини ўқишмайди.

Ҳажда қилинадиган қолган вожиб ва суннат амалларни гуруҳ бошлиқлари ўргатиб туришади. Ҳажнинг учинчи фарзи “Тавофи ифоза”, яъни Каъбатуллоҳни тавоф қилиш бўлиб, бу тавофни ҳожилар қурбонлик кунидан бошлаб кейинги уч кун ичида қилиб олиши керак. Шундан кейин мукаммал ҳожи бўлади. Шу уччала фарздан биронтасини бажармаса, ҳожи бўлолмайди.

Аёллар маҳрамсиз ҳажга боришлари мумкин эмас. Маҳрам — хотиннинг эри ёки бу хотин билан никоҳ боғлаши мумкин бўлмаган яқин қариндошларидир: отаси, қайнотаси, ака-ука, тоға-амаки, ўз куёви ва жиянлари шунга киради. Бошқа қариндошлар ва бегона кишилар маҳрам бўла олмайдилар. Исломи дини зино — бузуқчиликни тағ-томири билан қирқиб ташлаган дин ҳисобланади. Зино инсонларнинг насабини булғайди. Оиланинг бузилишига олиб келиб, турли касалликлар (сифлис, СПИД)га дучор қилишлиги ҳозирги замонамизда ҳаммага аён бўлиб қолган. Исломи дини аёлларни, қандай сафар бўлишидан қатъи назар, маҳрамсиз чиқишга рухсат бермайди. Маҳрамсиз сафарга чиқиб, танасини сотиб, эл-юртини, қариндош-уруғларини шарманда қилиб юрганлар учраб турмоқда. Бунинг олдини олиш учун муқаддас динимиз, ҳатто сафари муборак бўлган ҳаж ҳам, маҳрамсиз хотинларни қабул қилмайди. Шайтон инсоннинг қон-қонида юргани учун ўша муқаддас жойларда ҳам қалбида марази бор инсонлар топилади.

Аллоҳ таоло бандаларига ҳажни фарз қилишидан асосий мақсади бандаларининг гуноҳларини ювиб, тозалаб, ажру азимлар бериб, жаннатига кирғизишини, жамолини кўрсатишни мурод этгани бўлса, иккинчиси қиёматнинг ҳақлигини кўрсатиши: қиёматда ҳамма инсонлар ўзлари билан банд бўлиб қолганидек, ҳажда ҳам, хусусан Арафотда ҳамма ўзи билан ўзи машғул бўлиб қолади. Дунёнинг ҳамма томонидан келган оқ танли, қора танли, қизил юзли шоҳу гадо — ҳаммаси баробар бўлиб, ҳамма ўз тилида нола қилиб йиғлайди. Бу ҳолатдан ибрат олган ақли расо инсонлар кейинги ҳаётларини ислоҳ қилиб дунё ва охиратларини обод қилишга киришиб, комил инсонлар бўлиб етишишига ҳам сабаб бўлади.

Азиз китобхонлар, пайгамбаримизнинг муборак ҳадисларидан Ислом дини беш асосдан иборат эканлиги ҳаммамизга очиқ-равшан, маълум бўлди. Бу китобни ўқиб чиққан китобхон ҳеч қандай алдовларга юрмаслиги, ҳар қандай нодонларга эргашмаслиги аниқ бўлади, чунки тўғри йўлни билади. Тўғри йўлдан чиққан киши адашмасдан иложи йўқ.

Мустақиллигимизни кўра олмайдиган ёвуз кучлар халқимизни қайтадан асорат занжирига солиш учун, юртимизни парчалаб ташлаш ва мамлакатимизни биродаркушлик майдонига айлантириш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни ишга солишди. Аллоҳ таоло қадимдан бизнинг юртимизга раҳмат назари билан қараганлиги сабабдан, бизлардан буюк алломаю буюк саркардалар етишиб чиқиб, миллатимизни дунёга танитганлар. Аллоҳга беҳисоб шукрлар бўлсинким, юртимизнинг аввалги мавқеини тиклашга ирода қилган экан, бизга Ислом Каримовдек улуғ йўлбошчини ҳадя қилди. У зот зукколик билан вазиятни яхши тушуниб, душманларимизнинг ёвуз ниятларини олдиндан сеза билиб, халқимиз бошига ёпирилиб келаётган балолардан юртимизни эсон-омон олиб чиқдилар.

Ёвуз ниятлари амалга ошмаган юртимиз душманлари шу билан чегараланиб қолмасдан, ҳар хил бўлмағур бўҳтонларни қилишмоқда.

Бунда улар асосан ўзларига динни ниқоб қилиб олиб, шўро замонида зўрлаб диндан узоқлаштирилган ёшлардан фойдаланмоқдалар. Ўзбекистонда дин таъқиб остида, деб ёлғон далиллар билан содда, ҳақиқатда ҳали ислом динидан хабари йўқ ёшларни алдаб, ўз томонларига оғдириб олмоқчи бўляптилар. Дин таъқиб остида бўлса, жумҳуриятимизда мингдан ортиқ масжидлар ишлаб турмас эди. Шўро замонида бутун Иттифоқда иккита мадраса — Бухородаги “Мир-Араб” ва Тошкентдаги Олий маъҳад бўлса, ҳозир жумҳуриятимизда ўнта ўрта махсус диний мадраса, битта олий маъҳад, битта Ислом университети фаолият кўрсатмоқда. Илгари Ўзбекистондан ҳар йили икки-уч кишигина ҳажга борадиган бўлса, ҳозир ҳар йили тўрт мингга яқин мусулмонлар ҳажга ва тўрт мингдан ортиқ мусулмонлар умрага бориб келишмоқда. Ислом динининг бешта руқни бемалол, эркин бажарилаётган бўлса, шуни тазйиқ дейиладими? Бу нонкўрлик, ношукрлик эмасми? **“Агар шукр қилсаларингизлар, неъматимни зиёда қиламан. Агар**

берган неъматларимга ношукрлик, яъни куфрони неъмат қилсангизлар, албатта, билиб қўйингларки, Менинг азобим қаттиқдир”, — дейди Аллоҳ таоло Куръони каримда.

Улар ёшларимизни алдаб, ҳозирги пайтда намоз ҳам, рўза ҳам фарз эмас. Буларга Куръоннинг сирлари очилганда амал қилинади. Ҳозир бизга энг муҳими, жиҳод фарз, деб ёшларимизни жангариликка, қонхўрликка чақиринмоқда.

Улар айтганидек, Ислому ҳар қандай нонкўрликка, қўпоровчиликка, ношукрликка даъват қилмайди, балки ўз номи билан Ислому тинчлик, сулуҳ, дўстлик ва биродарлик динидир.

Тўғри, жиҳод ҳам Ислому фарз амалларидан бири, аммо унинг шарти бор. Аллоҳ таоло “Бақара” сурасининг 190-оятда:

و قاتلوا فى سبيل الله الذين يقاتلونكم ولا تعتدوا ان
الله لا يحب المعتدين

яъни: “Сизларга қарши душманчилик қилиб, бостириб кирган тажовузкорларга қарши курашинглар”. Курашганда ҳам мол-дунёсини олиш, ўзларини қул қилиш, шуҳрат орттириш, зўрлигини кўрсатиш учун эмас, балки юртингиз поймол, хотин, бола-чақаларингиз асир, динингиз хароб бўлмаслиги учун Аллоҳ йўлида курашинглар ва ҳаддан ошманглар, деяпти.

Аллоҳ таоло ҳаддан ошганларни севмайди. Бегуноҳ аёлларни, болаларни, қарияларни, кучсизларни, руҳбонларни, ҳайвонларни ўлдириш, дарахтларни ёндириш, масжид, мадрасаларни бузиш ҳаддан ошишга киради.

Ояти каримада айтилганидек, жиҳоднинг фарз бўлиши душманнинг тажовуз қилиши билан бўлади. Бу оятнинг мазмунини яхши тушуңган киши ўзининг қайси йўлда эканини билиб олади. Ўлсанг шаҳид бўласан деб, ёшларимизни бу йўлга қизиқтиришларидан кўзда тутилган мақсадлари юртимизнинг келажаги бўлган умидли ёшларни адаштириб, эл фаровонлигини ва ривожини орқага суришдан иборат. Шаҳидлик — улуғ мартаба. Ҳар ким шаҳидлик мартабасига эришавермайди. Уларнинг айтганига юриб, ўз халқига, ўз юртига қурол кўтарган кимсалар аксинча, эл нафратига дучор бўлади, Раббининг ғазабига учрайди. Ватан, дин ҳимояси

учун кофирлар қўлида ўлганларгина шаҳид бўлиб, Аллоҳнинг жаннатига сазовор бўлади.

Азиз ёшлар, танангизга чуқур ўйлаб кўринглар, ўз юртини сотган ватанфуруш, алданиб, адашган фирқаларга кириб қолиб, варақалар тарқатиб, қўлга тушиб, 15-20 йиллаб қамалишингиздан нима фойда? Ёш, гуллаган, айна илму ҳунар оладиган даврингиз беҳуда ўтади. Ўзингизга, ота-онангизга, қариндош-уруғларингизга жабр қилган бўласиз. Қамоқдан чиққанда ҳеч нарсага ярамасдан, қилган ишингизга пушаймон бўласиз. Аммо фойдаси йўқ, вақт ўтган. Турмада ўтадиган даврингизнинг бир қисмида ўқиб, илм олсангиз, бир соҳанинг мутахассиси бўлиб, эл-юртга фойдангиз теккан, улуг савобларга эришган, ибодатлар қилиб, охиратингизни обод қилган, фарзанди солиҳ тарбиялаб, орқангиздан дуоғўйларни қолдирган, ота-онангиз хизматларини қилиб, ўзингизга жаннат эшикларини очган бўлардингиз. Элим, юртим деб туғилиб ўсган жойини обод қилганнинг, болаларини яхши тарбиялаб вояга етказиб, комил инсонлар қилиб етиштирганнинг савоби қайси шаҳиддан кам. Аксинча, қилган хайрли ишларининг савоби уларникидан кўпроқ бўлади. Чунки шаҳид фақат ўзигина жаннатга кирса, умрини элим, юртим, диним, фарзандларим деб ўтказган инсон ўзи билан бирга аҳли аёли ва фарзандларини ҳам, бунинг сабабидан ҳидоят топганларни ҳам жаннатга киргизган бўлади.

Кўзингизни каттароқ очиб, чуқурроқ ўйлаб кўринг, ҳидоят йўлидан чиқманг, адашманг. Ислом динининг асоси 5 нарса эканлигини билдик. Шу асос ўзгармас бўлиб, то қиёмат кунигача давом этади. Ҳеч қандай йўл билан ўзгартириб бўлмайди.

Бу Аллоҳнинг бандалари зиммасига қўйган қонуни бўлиб, дунёнинг ҳамма жойида, ҳамма замонида бир хил. Расулуллоҳ замонларида ҳукм Куръон, ҳадисга асосланган бўлиб, билмаган нарсаларини расулуллоҳдан сўраб билишар эди. Расулуллоҳ вафотларидан кейин у зот ўрнига халифа бўлиб, сайлов йўли билан Абу Бакр, Умар, Усмон, Али (розияллоҳу анҳум)лар тайинландилар. Булардан кейин халифалик деб аталса ҳам, Муовиядан кейин подшоҳликка айланиб кетди. Шундан сўнг ихтилофлар пайдо бўлиб, Ислом дини асосан икки катта фирқа — Аҳли суннат вал жамоат ва Шиа, ҳамда бошқа бир қанча кичик фирқаларга бўлиниб кетди.

Аҳли суннатнинг биринчи асосчилари Умар ибни Абдул Азиз, Зайд ибни Зайнул Обидин, Ҳасан-ул-Басрий, кейинроқ уларнинг йўлларини Абу Ҳанифа (Имомул Аъзам), Идрис Шофиъий, Абул Ҳасан-ул-Ашъарий, Имом Мотуридий, Имом Молик, Имом Аҳмад ибн Ҳанбаллар давом эттирдилар.

Ҳозирги пайтда Аҳли суннат вал жамоат мазҳаби 4 та: Ҳанафий, Шофиъий, Моликий, Ҳанбалий мазҳаблари ислом оламида кенг тарқалган.

Бизнинг диёримиздаги мусулмонлар Ҳанафий мазҳабига мансубдир.

ИСЛОМДА ТУРЛИ МИЛЛАТЛАР БИРОДАРЛИГИ

Ислом дини дўстлик ва биродарлик динидир. Бу динда миллатчилик йўқ. Аллоҳ субҳонаху ва таоло дунёдаги ҳамма миллатларни бир ота — бир онадан яратганлигини билдириб, “Ҳужурот” сурасининг 13-оятнда: “Эй одамлар, биз сизларни бир эркак ва бир хотиндан яратдик, ҳамда бир-бирларингиз билан танишиб, дўст-биродар бўлишларинг учун сизларни турли-туман халқлар ва қабила элатлари қилиб қўйдик. Батаҳқиқ сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз — тақводорроғингиздир. Албатта Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билгувчи ва хабардор Зотдир”.

Ушбу ояти каримада “Эй одамлар!” деб барча инсонларга қарата нидо қилинмоқда, шу билан бирга уларнинг асли бир Одам Ато ва Момо Ҳаводан яратилганини билдирмоқда. Инсонларнинг турли халқлар, миллатлар, элатлар, қабилаю уруғлар, ҳамда турли шакллар, турли фирқаларга бўлинишининг асосий сабаби ўзаро танишиб дўстлашиш ва бир-бирларининг урф-одатларини ўрганиб, Аллоҳнинг қудратига тасаннолар айтишдан иборатдир. Инсонлар ўзларича молдунёларини кўплиги билан, ҳасабу насаблари билан, баъзилари танасининг ранги билан, яна баъзилари эса қабила, уруғию миллати билан кибрланиб, ўзларини бошқалардан устун қўйишади. Аслида эса тупроқдан яратилганини унутиб қўяди. Бошқаларни менсимаслик ихтилофу жанжалларга, қарама-қаршиликка олиб келади. Аллоҳ таоло бандаларини жанжалу ихтилофлар

учун эмас, бир-бирлари билан танишиб, дўстлик ришталарини боғлашга буюрганини билдириб, менинг наздимда хурматлироғингиз бошқалардан ўзини юқори олиб, бировларга зулм ўтказадиган муштумзўру қотиллар эмас, балки инсонларга раҳм-шафқат қиладиган, раҳмат назари билан қарайдиган, дўстлигу биродарликка чорлайдиган тақводорларингиздир, дейди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам муборак ҳадисларида: *“Аллоҳ таоло бандаларни мол-дунёсига, киядиган кийимига қараб эмас, қалбининг поклигию қиладиган яхши амалларига қарайди”*, дея мусулмонларни оқ кўнгил бўлишга, бошқаларга яхши кўз билан қараб, дўстлик алоқаларини боғлашга даъват қилганлар. Аллоҳ таоло охиригини “Исломи” деб бежиз атаган эмас. Бу дин ўз оти билан “Исломи”, яъни тинчлик динидир. Шунинг учун Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло “Бақара” сурасининг 208-оятда: **“Эй мўминлар, тўла ҳолдаги Исломига кириги! (Яъни, Исломининг баъзи ҳукмларига итоат қилиб, баъзиларига итоат қилмайдиган кимсалардан бўлмангиз.) Ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очиқ душманингиздир”**, дея бандаларни тинч-тотув бўлмоққа, шайтон йўлидан юриб, бир-бирига қарама-қарши фирқаларга бўлинмасликка чорлайди. Инсонлар ҳар хил дину ҳар хил мафкурада бўлса ҳам, иноқликда яшаш кераклигини билдириб, “Мумтаҳана” сурасининг 8-оятда: **“Аллоҳ диний жиҳатдан уруш қилмаган ва диёрларингиздан қувиб чиқармаганларга яхшилик ва адолатли муомала қилишдан сизларни қайтармайди”**, дея бошқа дин вакиллари билан дўстликда ва иноқликда яшамоқликка даъват қилади. Аллоҳ таоло “Бақара” сурасининг 256-оятда: **“Динга мажбур қилиш йўқи”**, деб марҳамат қилган. Кимда-ким: “Менинг йўлим, менинг мафкурам тўғри”, деб бошқаларни зўрлаш ва алдаш йўли билан ўз динига, ўз мафкурасига тортмоқчи бўлар экан, албатта у Аллоҳнинг хурриятига, Аллоҳнинг иродасига қарши борган бўлади. Қайси инсон Аллоҳнинг хоҳишига қарши бориб қолиб бўла оларди?! Ундай нодонлар фақатгина халқ бошига ташвишу кулфатлар келтириб, оқибатда халқнинг нафратига ва Аллоҳнинг ғазабига учрайди.

ИСЛОМДА ОИЛА ВА УНИНГ САЛОМАТЛИГИ

“Аллоҳ таоло сизларга ўз жинсингиздан, яъни одамзод наслидан бирга турмуш қуришларингиз учун аёллар ато қилди. Улардан сизларга фарзанду набиралар бунёд айлади, ҳамда покиза неъматларидан ризқ берди”. (“Наҳл” сураси, 72-оят.)

Аллоҳ таоло ўз ҳикматига биноан ер юзида ҳаётни гўзал шаклда давом эттириб бориши учун одам зотини жуфти ҳалоллик ила эру хотин бўлиб яшамоқларини ва шу йўл билан зурриёд қолдириб, дунёни обод этмоқларини ирода қилди. Бошқа махлуқотлардан фарқли ўлароқ, инсониятни ҳаёт, ақл, дин, қонун-қоидаларидан холи қилмади. Балки инсоният ўз насабини сақлаб қолмоғи учун маълум тартиб ва интизом, яъни гувоҳлар ҳузурида никоҳ ўқитиш шарти билан эру хотинга ҳуқуқ ва масъулиятлар белгиладиким, буларнинг амалга оширилишига дунё саодатию охират мукофотларига сазовор бўлишдек неъматларни гаров қилиб қўйган. Шунингдек, оталик ҳамда оналик меҳрини бериб қўйдиким, бу меҳр туфайли зурриёдини ғамхўрлик билан парвариш қилиб вояга етказиш завқи ўз-ўзидан вужудга келадиган бўлди. Шу сабаб зино йўли билан кўрилган фарзандда оталик ва оналик меҳри бўлмасдан, уни ташлаб кетиш ҳоллари кўп бўлади. Фарзанд зино йўли билан бўлганлиги учун Аллоҳ таоло ундай ота-онани қалбидан меҳрни тортиб олади. Одамзотнинг якка-ёлғизликда эмас, оила шаклида ҳаёт кечириб бормоғини, бунга инсон табиати мос эканлигини Аллоҳ таоло Қуръони каримда тавҳид (ўзининг ягоналиги) аломатларидан бири деб санайди.

“Аллоҳ таолонинг ягоналиги аломатларидан бири шулким, сизларга ўз жинсингиздан хотинлар яратиб қўйди, токи сизлар улар билан хотиржам биргаликда яшангизлар. Ўрталарингизда меҳру муҳаббат ҳам пайдо қилди. Албатта, бунда тўғри фикр қилувчилар учун аломат ва далиллар бордир”. (“Рум” сураси, 21-оят.) Баъзи бир инсонларда зуҳду-тақво чегарадан чиқиб, тарки дунё ҳавоси пайдо бўлиши, кечалари бедор, кундузлари рўзадор бўлиши, дунё неъматларидан воз кечиш ҳоллари ҳам учрайди. Бу ҳол на инсон табиатига ва на бирор самовий динларга тўғри келади.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қиладилар-ким, уч киши келиб, Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг аёлларидан: “Расулulloҳ бир кеча-кундузда қанча ибодат қиладилар?” деб сўрадилар. Жавобдан маълум бўлдики, булар ўйлаганчалик кўп ибодат қилмас эканлар, шунда улар бир-бирларига қараб айтдилар: “Расулulloҳ озроқ ибодат қилсалар ҳам ярашур. Чунки Аллоҳ таоло Қуръони каримда ул зотнинг барча гуноҳларини кечганлиги ҳақида баён қилган”. Шундай дея улардан бири: “Энди мен кечалари абадий намоз ўқиб чиқурман”, деса, иккинчиси: “Мен абадий кундуз кунлари рўза тутаман”, дебди. Учинчиси: “Мен абадий уйланмай ўтаман”, деб турганларида, Расулulloҳ(с.а.в.) ҳазратлари улар ҳузурига кириб келибдилар. Уларнинг қарорларидан хабардор бўлгач: **“Мен сизлардан кўра ҳам Худодан кўпроқ кўрқурман. Лекин рўзани доимий эмас, вақти-вақти билан тутаман. Кечаси намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам. Хотину зурриётларим ҳам бор. Кимки бу суннатимдан юз ўтирса, у менинг умматим эмас”**, — деган эканлар.

Ёшларни уйлантириш арафасида йигит билан қиз бир-бирларини билган, фикрлари, дунёқарашлари бир-бирига мос келган бўлиши лозим. Саҳобалардан Муғира ибни Шўъба бир қизга уйланмоқчи бўлиб турганларида, Расулulloҳ ундан: “Бу қизни кўрганмисан?” — деб сўрадилар. У: “Йўқ”, дегач: “Бор, кўргин, токи ўрталарингда меҳр ва муҳаббат пайдо бўлгай”, деган эканлар. Кейинчалик оила бузилмаслиги учун йигитни аммаю холалари қизнинг соғлиги ва ахлоқу одобларидан суриштиришлари лозим бўлади. Никоҳни халққа эълон қилиш учун тоқатига яраша зиёфат тортиш, одоб доирасидаги мусиқа ва насиҳатомуз ашулалар айтилиши ҳам шарият рухсат берган амаллардан бўлиб, бу ҳақда ҳадису ахборотлар мавжуд. Эру хотин ўрталаридаги муомала ва оила ишига аҳамият бериш нақадар савобли эканлиги тўғрисида Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўз ҳадисларида кўп таъкидлаганлар. Шулардан бирида: “Мўминларнинг ичида иймони комилроғи ахлоқ ва одоби чиройли бўлганидир. Сизларнинг ичингизда аҳли аёлига яхши муомалада бўлганларингиз энг афзалларингиздир”, дея марҳамат қилганлар.

Бир-бирини иззат-ҳурмат қилиш билан турмушлари нақадар ширин, файзли ўтишини ҳар икки томон идрок қилишлари зарур. Табиийки, муомала қоидала-

рига риоя қилмаслик оқибатда кўнгилсизликка олиб келади. Аввало эр ўз турмуш ўртоғига яхши муносабатда бўлиб, унинг ҳуқуқларини поймол қилмаслиги, хатоларга йўл қўйса, босиқлик билан тушунтирмоғи, билмаганини ўрганишига кўмаклашмоғи, Аллоҳ таолонинг “Хотинларингиз билан яхши муомалада бўлинг” ояти каримасига доимо амал қилмоғи зарур. Расулulloҳ (с.а.в.): “Мўмин киши ўз хотинида бирон нохуш феъл ёки одатни кўрса, дарров жаҳли чиқмасин. Унинг бошқа маъқул хулқлари ҳам борки, шуларни эсдан чиқармасин”, деган эканлар.

Аёл ҳам ўз навбатида рўзгорнинг ҳаловатли бўлишига асосий сабабчи эканлигини ёдда тутмоғи лозим. Улуғ кишилар қизларини турмушга узатаётганда, уларга фойдали насиҳатлар қилар эканлар. Жумладан, Абу Толибнинг набираси Абдуллоҳ ибни Жаъфар ўз қизларига: “Эрингдан бўлар-бўлмас гумон қилиб, рашк қилаверма. Тушуниб-тушунмай уни койима. Эрингга ўзингни нохуш сифатда кўрсатма. Сурма, ўсма энг яхши зийнатлардан бўлса-да, лекин ҳаммасидан афзали сувдир”.

Ироқ мамлакатадаги Кинда шаҳри султони Амр ибни Хижр Авф ибни Муҳаллимнинг қизига уйланганда, никоҳ кечаси онаси қизига шундай насиҳат қилган экан: “Қизим, одоб-ахлоқ мукаммал бўлган фарзандга насиҳатнинг ҳожати йўқ бўлганда эди, мен сенга насиҳат қилмаган бўлардим. Лекин насиҳат оқилу ғофилга баробар фойдалидир. Ота-она қизига ҳожати кўплигидан эрга бермай сақлайвериши мумкин бўлганда, биз сени мутлақо узатмаган бўлур эдик. Лекин на илож? Аёллар эркаклар учун, эркаклар аёллар учун яратилган экан. Қизалоғим, сен энди туғилиб ўсган ерингдан нотаниш бир хонадонга борасан. У ерда сенга бир умр йўлдоши бўлмайким, у гўё сенинг султонинг кабидир. Сен агар ўзингни унга чўри мисол тавозу ва камтар тутсанг, у ҳам сенга қул янглиғ муомалада бўлур. Сен қуйидаги 10 та насиҳатимни унутмагин. Биринчи ва иккинчи насиҳатим, қаноатли ва итоатли бўлгин! Учинчи ва тўртинчи насиҳатим, эрингнинг кўзи билан бурнига ҳушёр бўл! Кўзи хунук ерга тушмасин, яъни уйинг доим тоза, идишларинг покиза, ҳожатхона супурилган, кийимларинг чиройли, ўзинг гўзал суратда бўл. Бурни нохуш ҳид ҳидламасин! Бешинчи ва олтинчи

насиҳатим, уйқуси билан овқатига ўз вақтида ҳозирлик кўр! Еттинчи ва саккизинчи насиҳатим, мол-мулкига яхши посбонлик қилгин, рухсатисиз ноўрин ишлатма. Фарзандларига меҳрибонлик кўрсат! Тўққизинчи ҳамда ўнинчи насиҳатим, буюрган юмушини бажар, сирини фош қилма, уйнинг гапини кўчага чиқарма! Шуларга риоя қилиб борсанг, турмушларингиз ширин ва фаровон, рўзғорларингиз баракали бўлур”.

Пайғамбар (с.а.в.): *“Қайси бир аёл эрини рози қилган ҳолда дунёдан ўтган бўлса, албатта у аёл жаннатийдир”*, деб марҳамат қилганлар. Баъзи бир ота-оналар янги турмуш қурган ёшларнинг муросали, ширин ҳаёт кечиришларига кўмаклашиш ўрнига, янги келиндан айбу нуқсон қидириб, эру хотин ораларига совуқлик тушишига сабаб бўладилар. Ўғил уларнинг фарзанди бўлса, келин ҳам худди шундай. Туғилиб ўсган жойидан ўзга бир хонадонга келиб, то кўникиб, ўрганиб кетгунга қадар бу хонадон соҳиблари сабрли бўлишлари лозим. Чунки инсон илму ҳунар бўлсин, одоб-ахлоқ бўлсин, ҳеч мукамал эгаллаб олган бўлмайди. Илм талаб қилмоқлик қабргача вожиб бўлганидек, одобу тарбияни ҳам умрининг охиригача такомиллаштириб боришга барча кишилар ҳам муҳтождир.

Ҳар бир жойда бошлиқ бор. Масалан, маҳаллада — оқсоқол, корхонада — раҳбар, шаҳарда — ҳоким, республикада — президент. Оилада эса эр раҳбардир. Ҳамма жойда ҳам бошлиққа итоат қилиш вожиб. Бошлиққа итоат қилинмаса низом бузилиб, жанжал чиқади. Уйда хўжайин мен деб эрига итоат қилмаса, эрнинг обрўси, бурди кетади. Фарзандлари ҳурмат қилмайдиган, итоатсиз бўлиб, тарбия мезони бузилади. Маҳаллада хонадон обрўси қолмайди, турли-туман келишмовчиликлар келиб чиқиб, оқибатда оила бузилишига сабаб бўлади.

Оилада эрни ҳоким деб билган хонадонда эса низом бузилмайди, мўътадиллик, адолат ҳукм суради. Болалар одобли, ота-онасини ҳурмат қиладиган, ақлли бўлиб вояга етади. Чунки хонадон соҳибаси ўз одоб-ахлоқи, эрни ҳурмат қилиши билан намуна бўлиб, фарзандларини отага нисбатан ҳурматда бўлишга, итоат қилишга, отанинг сўзини қайтармасликка ўргатади. Отани фарзандларга салобатли қилиб кўрсатади. Онанинг оқила, зукколиги натижасида оила мустаҳкам, тотув бўлиб, бу оиладан элу юртга наф келтирадиган соғлом фикрли фарзандлар вужудга келади.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло “Нисо” сурасининг 34-оятида: **“Эркаклар хотинларига раҳбардирлар”**, дея эркакни оила бошлиғи қилиб тайинлаганлиги, шубҳасиз кўп ҳикматни ўз ичига олади.

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ

Фарзанд инсон қалбидаги энг олий мақсадлардан бири бўлиб, ота-она ўз ҳаётларини шулар орқали давом эттирадилар. Араб шоирларидан Аҳнаф ибни Қайс: **“Фарзандлар қалбларимиз меваси, белларимиз таянчидир. Биз уларга юришлари учун замин ва соябон осмондирмиз”**, дейди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) муборақ ҳадисларида фарзанд қадрини кўтариб: **“Гўдаклар Аллоҳнинг райҳонидир”**, деганлар. Ҳазрати Фотима туғилган вақтларида Расулulloҳ (с.а.в.): **“Бу райҳонни Аллоҳ ҳидлаб туришлигим учун менга ризқ қилиб берди”**, деган эканлар. Биз Расулulloҳ (с.а.в.)нинг сийратларига қарайдиган бўлсак, у зотнинг гўдакларни қандай ҳурмат қилишларини кўрамиз. Баъзан Расулulloҳ (с.а.в.) намоз ўқиб, сажда қилиб турган пайтларида Имом Ҳасан ва Имом Ҳусанлар у кишининг устиларига чиқиб олар эканлар. У зот болаларнинг ўйини бузилмасин, улар безовта бўлмасин дея саждаларида узун муддат турар эканлар. Кунларнинг бирида хутба (амри маъруф) қилиб турганларида Ҳазрати Ҳасан билан Ҳусан у зот тарафига чопиб келаётганларини кўриб қолиб дарҳол хутбаларини тўхтатдилар-да, минбардан тушиб иккалаларини кўтариб олиб, бағриларига босдилар, сўнгра сўзларини давом эттириш учун қайта минбарга чиқиб хутбани ниҳоясига етказдилар. Фарзанд Аллоҳ таолонинг бизларга берган энг буюк неъматларидандир. Ҳар неъматнинг ўз шукри бор. Фарзанд неъматининг шукри унинг гўзал тарбиясидир. Пайғамбаримиз (с.а.в.): **“Ҳар бир туғилган чақалоқ то тили чиқиб дилидагини гапира олгунча Ислому табиати билан туғилган бўлади. Аммо ота-она фарзандини яҳудий ёки насроний, ёки мажусий қилиб қўяди”**, деганлар. Бу ҳадисдан болаларни қайси йўлга солинса шу йўлга қараб кетишлиги маълум бўлади. Демак, фарзандни тарбия қилар экан, эътиқодини, мафкурасини тўғри йўлга солиш ҳам айнан ота-онанинг бурчи ҳисобланади. Эътиқоди, мафкураси соғлом бўлган фарзанд

ота-онага меҳрибон, раҳм-шафқатли, уларнинг ҳурматини ўз ўрнига қўядиган, ўз ватанига садоқатли, элу юрт учун жонини фидо қиладиган, ватанпарвар бўлиб ўсади. Уни ҳеч ким тўғри йўлдан қайтара олмайди. Эътиқоди тўғри йўлга солингандан сўнг уни жисмонан соғлом ва бақувват қилиб тарбиялаш ҳам ота-она зиммасига юкланган. Расулulloҳ (с.а.в.): *“Фарзандларингизга сувда сузишни, камонда отишни, найза улоқтиришни, отда чопишни ўргатинглар”*, деб фарзандларни чаққон, соғлом, бақувват, зийрак қилиб тарбиялашга умматни тарғиб қилганлар. Зероки, соғлом ва бақувват фарзанд ҳамма жойда ҳам ўз юртига наф келтиради. Бунини яхши тушунган юртбошимиз 2000 йилни *“Соғлом авлод йили”* деб эълон қилишлари бежиз эмас. Соғлом танада соғлом ақл бўлиши табиий. Мустақил юртимиз ёшларнинг соғлом ва бақувват бўлиб ўсишлари учун ҳамма шароитларни яратиб берган. Турли-туман спорт кошоналари бино қилинган. Қайси ота ўз фарзандини спорт тўғарагининг хоҳлаган турига олиб борса, у учун ҳамма эшиклар очиқ. Юртимиздан Осиё ва жаҳон чемпионлари етишиб чиққанлиги сўзимнинг ёрқин мисоли бўла олади. Фарзандларимизни соғлом эътиқодли, жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш билан бирга уларнинг одоб-ахлоқини ҳам гўзаллаштириш муҳим бурчимиздир. Пайғамбаримиз (с.а.в.): *“Ота ўз фарзандига гўзал одобдан кўра яхшироқ нарса бермайди”*, деганлар. Бошқа бир ҳадисларида: *“Сен фарзандингга одоб бергин, чунки сен унга нимани одоб бердинг ва нимани таълим берганинг ҳақида масъулсан ва у ҳам сенга яхшилик қилишигидан масъулдир”*, деб фарзанд тарбиясига катта аҳамият беришлигимизни буюрадилар. Исломда тарбия таълимдан кўра устунроқ ва кенг қамровлидир. Чунки тарбия болани уйда, кўчада, мактабда ўзини тута билиш одобларини, ақл билан иш юритиб, жисмини, нафсини ўзига бўйсундиришдек оғир ишни йўлга қўяди. Тарбиянинг асоси оила муҳитидир. Бола уйда нимани кўрса, шунга тақлид қилиб ўсади. Оилада ота олижаноб, кенг феъл, она меҳрибон ва мулойим бўлмоғи ва шу билан бирга Аллоҳнинг ҳаққи — намоз, рўза ва бошқа ибодатларни адо этмоғи, ҳамда атрофдагиларни ҳаққа — қўшничилик риояси, меҳмонларни ҳурмат қилиш каби хислатлари билан яшашга ундаб, ибрат бўлмоғи лозим.

ИСЛОМНИНГ ШАХСИЙ КАМОЛОТ САРИ КҮРСАТМАЛАРИ

Ислом дини шахс тарбиясига ва уни камолот сари интилишига юксак аҳамият беради. Чунки ижтимоий ҳаёт шахсларнинг ҳаётидан таркиб топади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло “Аш-шамс” сурасининг 9-10 -оятларида: **“Батаҳқиқ ким ўз нафсини покласа ютуққа эришади ва батаҳқиқ ким ўз нафсини нуқсонли қилса ноумид бўлади”**, деб инсонларни нафс тарбиясига, камолотга чорлайди. Инсон авваламбор ўз эътиқодини, миллий мафкурасини яхши билиб олиши лозим. Зеро, бинонинг пойдевори мустаҳкам бўлмас экан, қурилаётган бино ҳам бақувват бўлмайди. Эътиқод, миллий мафкураси тўғри бўлган инсон ейдиган луқмасининг ҳалол бўлишига диққат қилади. Ҳаромдан ғизо олган киши инсонлик мартабасидан тушиб, ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бормайдиган ваҳшийлар қаторига қўшилиб қолади. Пайғамбаримиз (с.а.в.): *“Қайси баданки ҳаромдан, судхўрлигу порахўрликдан эт пайдо қилар экан (семирар экан), уни тозалашга дўзах ўти авлороқдир”*, деганлар. Бошқа бир ҳадисда: *“Бир инсон Аллоҳнинг байтига ҳажга борсаю Каъбатулло билан юзма-юз туриб: “Ё Раббим, ё Раббим”, деб дуо қилса, кийган кийими, еган емиши ҳаромдан бўлса, Аллоҳ унинг дуосини қабул қилмас”*, деганлар. Демак, инсоннинг кийган кийимию еган таомлари ҳаром йўл билан топилган бўлса, унинг қилган тоату ибодатларию хайру эҳсонлари, солдирган масжидларию бошқа қилган ҳар қандай яхшиликлари Аллоҳнинг даргоҳида қабул қилинмайди. Аллоҳ таоло “Моида” сурасининг 100-оятда Расулulloҳ (с.а.в.)га қарата: **“Эй ҳабибим! Агар нопокликнинг кўплиги сизни ажаблантирса, пок билан нопок тенг бўла олмайди, деб айтинг. Эй ақл эгалари, Аллоҳдан қўрқинг, шоядки нажот топсангиз”**. Аллоҳ таоло бу оятида Пайғамбаримизга хитоб қилиш орқали биз мўминларни ҳарому нопокликлардан қайтармоқда. Бу оятда пок билан нопок тенг бўла олмаслиги аниқ ва равшан баён қилинмоқда. Агар нопок нарса ўзининг кўплиги билан одамларни қизиқтирса ҳам озгина пок нарсага тенг кела олмайди. Пок нарса озгина бўлса ҳам баракали бўлади. Ҳаромдан

топилган миллион-миллион пуллар ҳалолдан топилган озгина сўмга тенг эмас. Шунингдек сону саноксиз нопок ишлар биргина пок ишга тенг кела олмайди. Аллоҳдан қўрқадиган ақли ҳуши жойида бўлган инсонлар шундан ибрат олиб иш кўрадилар. Аллоҳ таоло доимо парҳезкорларгагина нажот беради. Ботил йўллар билан бировнинг ҳаққини есам, Аллоҳ менинг жазоимни беради-ку, деб Аллоҳдан қўрқсанг, Аллоҳ сенга нажот бериб, пешона тери билан топган озгина нарсанг ҳам баракали бўлади. Инсон ўз эътиқодини тўғрилаб, луқмасини ҳалоллаб олганда сўнг инсонни камолотга кўтарилишдан тўсадиган замима (ёмон) ахлоқлардан қутулиш тадбир-чорасини кўриши керак. Замима ахлоқларни аввали кибрдир. Аллоҳ таоло “Луқмон” сура-сининг 18-оятда: **“Одамлардан юз ўғирма ва ер юзида кибру ҳаво ила юрма, албатта Аллоҳ таоло ҳеч бир мутакаббир ва мақтанчоқни севмас”**, деб одамларни менсимасдан ўзини юқори оладиганларни ёқтирмаслигини билдиради. Шунинг учун ҳадиси шарифда: *“Кимнинг қалбида заррача кибр бўлса, у жаннатга кирмайди”*, дейилган. Инсонларни камолотдан тўсадиган амаллардан бири риёкорлик, яъни қиладиган ишларини Аллоҳ ризолиги учун эмас, хўжакўрсинга, эл кўзига қилишдир. Ҳадиси шарифда: *“Кимда-ким қиладиган амалини Аллоҳ розилиги учун эмас, одамлар кўрсин, эшитсин учун қилса, Аллоҳ уни ниятига яраша одамларга кўрсатиб эшиттиради, лекин савоб бермасдан, қиёмат кунинда ким учун қилган бўлсанг, ўшалардан савобини олгин дейди”*. Бир киши одамлар мени бой десин деб чўнтакларини майда тошлар билан тўлдириб бозорга чиқса, одамлар унинг чўнтакларини дўппайган кўриб, бу кишининг пули кўп экан деб ўйлашади, аммо у бирон нарса харид қилмоқчи бўлса ҳеч нарса харид қила олмайди. Фақат одамлар уни бой экан, деб айтган қуруқ сўзлари қолади. Риёкорнинг иши ҳам худди шундай. Инсонни камолотдан тўсадиган амаллардан яна бири — ҳасад бўлиб, у инсоннинг қалбини қорайтириб, асабини бузади, соғлигини кетказди. Олов ўтинни еганидек ҳасад ўз эгасини, яъни ҳасад қилувчини ейди. Ҳасадгўй кимса бировларнинг бахтини, омадини, мартабасини, юксалишини кўра олмайди. Бу разилликдан қочгин, унинг ўрнига Аллоҳдан ўзингга

бахт, омад, мартаба ва юксалишларни сўрагин. Ҳасад қилинганлар Аллоҳнинг хоҳиши билан шу улуғ мартабаларга эришдилар. Сен Аллоҳ хоҳишига қарши чиқиб ўзингни осий қилма. Комил инсон бўламан десанг одамларга яхшилиқни раво кўр, чунки Расулуллоҳ (с.а.в.): *“Ўз нафсингиз яхши кўрган нарсани бошқа биродарингизга ҳам бўлишини хоҳламагунингизгача комил мўмин бўла олмайсиз”*, деб мусулмонларнинг бошқаларга ҳам хайрихоҳ бўлишини талаб қилганлар. Қорнинг тўқ, кийимларинг бут бўлишини хоҳлайсанми? Бошқаларга ҳам шуни хоҳла. Танинг соғ, ишларинг яхши бўлишини хоҳлайсанми? Ўғлингни уйлантириб, қизингни турмушга узатишни хоҳлайсанми, бошқаларга ҳам шуни раво кўр, ҳасад қилма, кўнгил қоралиқ қилма, шунда комил инсон бўласан. Инсонларни камолотдан тўсадиган амаллар: бадгумонлик, жосуслик, ғийбат ва бўҳтондир. Аллоҳ таоло *“Ҳужурот”* сурасининг 12-оятда: *“Эй иймон келтирганлар, кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар. Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилманглар. Сизлардан биронгаларингиз ўзини ўтган биродарининг гўшти-ни ейишни яхши кўрадимиз? Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан кўрқинглар, албатта Аллоҳ тавбани кўп қабул қилувчи ва раҳмлидир”*. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бандаларини ёмон сифатлардан, ахлоқий касалликлардан, бандани ҳалокатга элтувчи разилликлардан қайтармоқда. Инсоннинг обрўсини кетказиб, камолот сари юксалишига тўсқинлик қиладиган иллатлардан бири бадгумонликдир. Бадгумонлик одамлар ҳақида нотўғри фикрда бўлиб, бўлар-бўлмас ёмон шубҳалар қилиш, ноўрин тухмаг тошини отишдан иборатдир. Бундай гумонларнинг кўпи асоссиз, беҳуда бўлади, шу сабабдан Аллоҳ таоло: *“Кўп гумонлардан четда бўлинглар”*, деди. Чучурроқ ўйлаб қарасак, ўзаро низолар ва келишмовчиликлар кўпроқ бир-биридан ёмон гумонда бўлишдан келиб чиқади. Шунинг учун Расулуллоҳ (с.а.в.): *“Зинҳор ва зинҳор бадгумон бўлманглар, чунки бадгумонлик иллатларнинг энг ёмонидир”*, деганлар. Бадгумонлик инсонларни жосусликка ҳам олиб боради, шунинг учун Аллоҳ таоло: *“Жосуслик қилманг”*, деб бу разил иллатдан қайтарди. Маълумки, кимнинг фикрига бадгумонлик ўрнашса, у одам ўша гумонни тасдиқлаш учун ҳуж-

жат ва далиллар қидира бошлайди ва гумон остидаги одамнинг ўзига билдирмасдан айбини ахтаришга тушади. Бу эса жосусликка киради. Мусулмон киши бировларнинг айбини қидиришга эмас, унинг обрўсини ҳимоя қилиб, ҳурматини жойига қўйишга буюрилган. Бадгумонлик, жосусликнинг оқибати инсонни ғийбат қилишга олиб келади. Шунинг учун Аллоҳ таоло: **“Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилманглар”**, деб ғийбатдан қайтаради ва у нақадар хунук иш эканлигини билдириб: **“Сизлардан бирортангиз ўзининг ўлган биродарини гўштини ейишни яхши кўрадимиз? —** деб савол қилади ва: **“Ҳа, ёмон кўрасизлар”**, деб ўзи жавоб беради. Маълумки, одам гўштини ейиш мумкин эмас, у ўлгандан кейин эса хаёлга ҳам келтириб бўлмайдиган, кўнгил кўтармайдиган иш.

Аллоҳнинг наздида ғийбат ҳам шундай кўнгил кўтармайдиган иш саналади. Чунки, у бировнинг обрўсини кетказади. Исломда эса бировнинг обрўсини кетказмоқ ҳаромдир. Саҳобалар Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: **“Эй Аллоҳнинг расули, ғийбат нима?”** деб сўрашди. Расулуллоҳ (с.а.в.): **“Бир биродарингизнинг ўзига ёқмайдиган томонини гапирмоғингиз”**, — дедилар. Шунда: **“Биродаримда мен айтган нарса бўлса-чи?”** — дейишди. Расулуллоҳ (с.а.в.): **“Агар айтганинг унда бўлса ғийбат қилган бўласан, бўлмаса бўҳтон қилган бўласан”**, деб жавоб бердилар. Инсоннинг камолотига тўсиқ бўладиган амаллардан: омонатга хиёнат қилиш, ваъдада турмаслик, ёлғон гапириш ва чақимчиликдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.): **“Мунофиқнинг аломати учтадир: сўзласа ёлғон гапирди, омонат қолдирилса унга хиёнат қилади, биров билан ваъдалашса вафосизлик қилади. Вафосизлик қилиб аҳдини бузади”**, деганлар. Бу учала сифат топилган кишини мунофиқ, яъни иккиюзламачи деб атайдилар.

Ёлғон сўзлаш, омонатга хиёнат қилиш, берган ваъдасини бузиш инсонийликка мутлақо ёт бўлиб, халқ орасида ҳам одамнинг обрўсини кетказади. Чунки одамлар ҳар доим алданавермайдилар, бир-икки марта муомала қилиб кўргандан кейин, ёлғон сўзлагани, омонатга хиёнат қилгани, ваъдани бузгани ошкор бўлиб қолади. Ўзингизни биров алдаса, омонатингизга хиёнат қилса, берган ваъдасида турмаса, кўнглингиз оғриб, хафа бўласиз. Бошқалар ҳам шундай. Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга ур дейилган мақол ҳам шундан келиб чиққан.

Азизларим! Бу дунёни қайтар дунё дейдилар. Бировни алдасанг, сени алдовчилар ҳам бор, бировга хиёнат қилсанг, сенга ҳам хиёнат қилишади. Бировга берган ваъдангни бузсанг, сенга қилган ваъда ҳам бузилади, шунга қараб иш қил.

Пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.в.) бир ҳадисларида: *“Ўзингизга тўғри сўзликни лозим тутинг, чунки тўғри сўзлик инсонни яхшиликка етаклайди, яхшилик эса жаннатга олиб боради. Инсон тўғри сўзликка одатланса, Аллоҳнинг наздида сиддиқлар (доимо тўғри сўзловчилар) қаторига ёзиб қўйилади. Ва ёлғон гапиришдан сақланинглар, чунки ёлғончилик инсонни ёмонликка бошлайди, ёмонлик эса дўзахга олиб боради. Инсон ёлғон гапириб ёлғончиликка одатланса, у Аллоҳнинг наздида каззоблар (доимо ёлғон сўзловчилар) қаторига ёзиб қўйилади”*, деганлар. Бошқа бир ҳадисларида: *“Ёлғончилар менинг умматим эмас”*, дея уларни мусулмонлар қаторидан чиқариб қўйдилар.

Ваъдабозлик, омонатга хиёнат қилиш ва ёлғончиликка ўхшаш чақимчилик ҳам хунук ишдир. У ўз қилмиши билан ака-ука, ёру биродар, кўни-кўшни, эру хотин ва баъзилар эса маҳаллалар, юртлар, миллатлар орасини бузади. Шунинг учун Расулуллоҳ (с.а.в.): *“Чақимчилар жаннатга кирмайдилар”*, деб узил-кесил ҳукм чиқарганлар. Кишиларнинг ораларини ислоҳ қилиб яраштириш эса кўп савобли иш бўлиб, кечалари туриб намоз ўқувчилар, кундузи рўза бўлувчилар даражасидан ҳам ортиқдир.

Ҳаёсизлик ҳам инсоннинг инсонлик даражасидан туширадиган разил аломатлардандир. Шунинг учун ҳадиси шарифда: *“Ҳаё қилмасанг, яъни уялмасанг, хоҳлаганингни қилавер”*, дея шарм-ҳаёси йўқ кишидан ҳар қандай жиноятлар содир бўлиши ва у ҳеч нарсадан қайтмаслиги баён қилинган. Бошқа ҳадисда: *“Ҳаё иймондандир”*, дейилиб, иймонсизда шарм-ҳаё бўлмаслиги ошкора айтилган. Бу нақадар ҳақ эканлигини ҳаёт исботлаб турибди.

Бировни лаънатламоқ, қарғамоқ, макру ҳийла қилмоқ, зиён етказмоқ ҳам разил феъллардандир. Расулуллоҳ (с.а.в.): *“Кимда-ким бировни қарғаса ёки лаънат айтса оғзидан чиққан сўз осмонга қараб интилади, ундан чиққан сассиқ ҳидга осмон эшиклари бекилиб, чиқиб кетишига йўл топа олмагач, қарғиш ёки айтилган лаънат ҳақ бўлса айтилган кишига бориб тегади, агар ноҳақ бўлса айтган кишининг ўзига қайтади (ўзига уради)”*,

деганлар. Инсонлар бир-бирларига лаънат айтиб қарғашлари нокомилликларининг белгисидир. Уларнинг оғзидан чиққан хунук сўзлар Аллоҳ даргоҳида қабул бўлмасдан, лаънат айтилган, қарғалган ёки лаънат айтувчи, қарғовчининг ўзига келиб тегади. Бу ақли расоларга хос бўлмаган ишдир.

Бировларга зиён етказиш учун қилинган макру ҳийла ва сеҳру жодулар ҳам Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган ишлардан бўлиб, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.): *“Кимда-ким бировга зиён етказса ёки макру ҳийла қилса, у тўртта муқаддас китоб — Таврот, Инжил, Забур ва Қуръонларда лаънатлангандир”*, деганлар. Аллоҳ таоло бандаларини бир-бирларига зиён-заҳмат, макру ҳийла, ёмонлик қилиш учун эмас, бир-бирларига раҳм-шафқат, меҳрибонлик қилиш, дўсту улфат бўлишлари учун яратган. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда: *“Ҳаммаларинг Аллоҳ қарамоғидаги бандаларсиз, Аллоҳнинг наздида энг яхшиларингиз Аллоҳнинг қарамоғидагиларга яхшилик қилувчиларингиздир”*, дея марҳамат қилинган.

Кимда-ким комил инсонлар қаторида бўлишни хоҳласа, юқорида айтилган салбий хислатлардан ўзини поклаши ва шу билан бирга элу юртга фойдаси тегадиган инсонлардан бўлишга интилиши лозим. Шунда Аллоҳ уни комил инсонлар қаторига қўшиб, ўзининг улуғ мукофотлари билан тақдирлайди.

ҲАҚ МАЗҲАБЛАР

Ҳанафия

Аҳли суннат вал-жамоат мазҳабларининг биринчиси бўлган ва бошқаларига нисбатан эргашувчилари кўп бўлган Ҳанафий мазҳабининг асосчиси Нуъмон ибн Собит Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ)дир. У зот ҳижрий 80-йилда Куфа шаҳрида таваллуд топиб, 150-ҳижрий йилда 70 ёшда вафот этдилар.

Ҳазрати Абу Ҳанифанинг асл исмлари Нуъмон бўлган. Оталарининг исми Собитдир. Абу Ҳанифа у кишига берилган кунядир.¹ Мазҳаблари ҳам куняларига нисбатан Ҳанафия мазҳаби деб юритилади. Ҳазрати Абу

¹ Мусулмонларда урф бўлган. фалончининг отаси деган маънодаги лақабдир. Абу Ҳанифа — Ҳанифанинг отаси демек.

Ҳанифанинг набиралари Исмоил ибн Ҳамадондан нақл қилинади: “Катта бобом Собит Ҳазрати Али (разияллоҳу анҳу)нинг ҳузурларига борганларида Ҳазрати Али (р.а.) бобомнинг ва зурриёдларининг ҳақларига хайру барака тилаб дуойи хайр қилганлар. Биз Ҳазрати Алининг дуоларини Аллоҳ таоло ижобат қилган деб умид қиламиз”.

Абу Ҳанифа ўша замондаги илм марказларидан бири бўлган Куфа шаҳрининг уламоларидан дарс олдилар. Ёшликларида Куръони каримни ёд олиб, қори бўлдилар. Бошқа диний илмларни ҳам эгаллаб, қисқа муддатда шухрат қозондилар. Бу киши тобеинлардан ҳисобланадилар. Ҳазратнинг 9 нафар саҳоба (разияллоҳу анҳум)лар билан мулоқотда бўлганлари ривоятларда келтирилган. Устозлари Ироқ фақиҳларининг шайхи Ҳаммод ибн Сулаймон деган зотдир. Ҳадис илми борасида саҳобаи киромларнинг мужтаҳидлик даражасига етишган бир қанчаларидан ҳадис ривоят қилганлар.

Абу Ҳанифа дин илмида ўз замонасида тенги йўқ эди. Шунинг учун ҳам ҳазратни ўз исмлари ёки кунялари билан атамасдан “Имоми Аъзам”, яъни улуғ имом, катта имом деб атайдилар. Ҳақиқатда бу улуғ унвондир. Аҳли суннат вал жамоат имомлари — Имом Молик, Имом Шофиъий, Имом Аҳмад ибн Ҳанбаллар Ҳазрат Абу Ҳанифани ўзларига устоз деб билганлар. Масалан, Имом Молик: “Мен ҳадис илмини билишда, жаноб Расулulloҳнинг охириги ҳадисларини етказишда, энг саҳиҳ ҳадисларни англаб етишда Имоми Аъзамга ўхшаган бошқа инсонни учратмадим”, — дейдилар.

Ҳазрати Имом Шофиъий Имом Аъзам вафот қилган 150 йилда туғилган ва у зотнинг шоғирдлари Муҳаммад ибн Ҳасандан дарс олганлар. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал эса Имом Шофиъийдан дарс олганлар. Демак, Ҳазрати Имом Аъзам мазҳаб имомларининг энг катта устози бўлган эканлар. Имом Шофиъий айтадилар: “Одамлар ҳаммалари барча уламолар Куръону ҳадисни англашда, фикҳ илмини эгаллашда Абу Ҳанифага қарамдирлар. У киши билан рақобат қилиш даражасига чиққан инсон йўқ”. Имом Молик Имом Аъзамни, агар у олдида турган устунни тилло демоқчи бўлса, ҳужжат топа оладиган инсон эди, деб таърифлайди.

Ҳазрат Абу Ҳанифа илми мусулмонлар тушунишлари қулай бўлиши учун биринчи бўлиб бобларга ажратган ва тартибга солган эдилар. Ҳазрат Имом Аъзам-

нинг калом, фикҳ, ҳадис ва сарф илмларида бир неча китоблари бор. Жумладан, “Китобус солат” (“Намоз китоби”), “Китобул маносик” (“Ҳаж китоби”), “Китоб-уш-шурут” (“Шартномалар китоби”), “Китобул фароиз” (“Мерос илми ҳақидаги китоб”), “Китобул ʼалим вал мутааллим” (“Устоз ва шогирд ҳақида китоб”), “Китобул васия” (“Васиятнома китоби”).

Ақида, яъни эътиқодга оид “Ал-фикҳул акбар” (“Улуғ фикҳ”) номли китоблари аҳли суннат вал жамоат эътиқоди хусусида ёзилган қимматли манбадир.

Ҳазрати Абу Ҳанифанинг бутун таълимотларини шогирдлари Абу Юсуф Яъқуб ибн Муҳаммад Қозий, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний, Зуфар ибн Ҳузайл, Абу Мутъ Балхий ва неваралари Исмоил ибн Ҳаммод тўплаб, муайян бир тартибга солганлар ва давом эттирганлар.

Имом Абу Ҳанифа мазҳаблари шаръий асосларга — Расулulloҳ (с.а.в.) даврларидан бошлаб, саҳобаи киромлар ва тобеинлар даврида ҳам барча мусулмонлар Ислom шариатининг асоси — Қуръони каримга, суннати набавияга, яъни пайғамбаримизнинг суннатларига, ижмоъга, яъни кўпчилик уламоларнинг фикрларига, қиёсга, яъни бир масалани иккинчи масалага солиштиришга, саҳобаи киромларнинг сўзларига суянган. Бу ҳақда Имом Аъзам ҳазратларининг ўзлари шундай деганлар: “Мен аввало ҳукми Аллоҳнинг Китобидан оламан, ундан топмасам, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг суннатларидан оламан. Агар Аллоҳнинг китобидан ҳам, пайғамбар(с.а.в.)нинг суннатларидан ҳам топа олмасам, саҳобаларнинг гапидан оламан. Агарда саҳобалар ихтилоф қилган бўлсалар, уларнинг сўзидан Қуръон ва ҳадисга яқинроғини оламан, уларнинг гапидан бошқаникини олмайман. Агарда саҳобаларнинг сўзидан ҳам топа олмасам ва гап тобеинларга, яъни Иброҳим, Шайбий, ибн Сирийн ва Ибни Мусаййибларга етса, ўзим ҳам уларга ўхшаб ижтиҳод қиламан”.

Ижтиҳод деб, бир масалани шариат асосларига мувофиқ ҳукм қилишда ўзининг бор илмини сарфлаб, изланишга айтилади. Ҳанафийлар кўпинча асҳоби раъй деб аталган, чунки улар Қуръону ҳадисда ҳукми келмаган масалаларни Қуръон оятлари ва ҳадисларга солиштириб, яъни қиёс қилиб ҳукм чиқарганлар. Имом Аъзам (роҳимахуллоҳ) шаръий ҳукм олишда истиҳсонга асосланиб ҳукм чиқаришни қабул қилганлар. Истиҳсон — бир

нарсани яхши деб ҳисоблаш, яъни бир нарсанинг яхши-сини, тўғриси, мустаққамини излаш деганидир. Масалан, бир ишни шаръий ҳукм асосларига қиёс этиш имкони бўлмаса, олим ижтиҳод қилиб, оламларга осон бўлиши мақсадида истиҳсон қоидаси билан ҳукм чиқаради.

Баъзилар Абу Ҳанифа қиёсни заиф ҳадисдан устун қўяди, дейишган. Лекин аслини олганда ундай эмас. Баъзи олимлар бунга мисол ҳам келтирганлар: “Намозда қаҳқаҳа билан кулса, таҳорат кетиши ҳақидаги ҳадис заиф бўлса ҳам, яъни ишончлилиги камроқ бўлса ҳам, Имом Аъзам уни қиёсдан устун қўйиб қабул қилганлар.” Бу ҳақда Имом Аъзамнинг гаплари бор: “Аллоҳга қасамки, ким бизнинг қиёсни ҳадисдан устун қўяди деса, ёлгон айтибди ва бизга туҳмат қилибди. Ҳадис бўлгандан кейин қиёсга ҳожат қолар эдими?!” — деганлар.

Яна айтганлар: “Агарда бизга Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳадислари етиб келса, бош устига. Расулulloҳ (с.а.в.)га хилоф иш қилгувчиларни Аллоҳ таоло лаънатласин. Зеро, Аллоҳ таоло Сизларни ушбу Пайғамбар (с.а.в.) сабабидан мукаррам қилди” (ҳадис). Устозлари ўз шогирди Абу Ҳанифанинг ноёб қобилияти ва ҳадисни тушунишдаги фаҳмига қойил қолиб: “Мен юз кун давомида сизга айтиб берган ҳадисларни сиз бир онда сўзлаб бердингиз ва ҳузуримизга савол қилиб келган одамга дарс олган ҳадисларингиздан жавоб топиб бердингиз, ҳақиқатда сиз фақиҳлар табибсизлар, биз муҳаддислар, дорихоначилармиз”, деганлар. Дорихоначиларда дори бўлса ҳам, қайси дори қайси дардга даволигини билмайди, табиблар эса биладилар.

Юқорида ҳадис ривоят қилувчилар ҳадисларни кўпини билса қайси ҳадис қайси масалага жавоб бўлишини яхши билмайдилар, лекин фақиҳлар, яъни ҳукм чиқарувчилар қайси масалага қайси ҳадис жавоб бўлишини яхши биладилар деб фақиҳларнинг мартабалари баланд қўйилмоқда. Бундан кўринадики, Ҳазрат Имом Аъзам буюк фақиҳ бўлиш билан мусулмонларга енгиллик бўлишининг тарафдори сифатида ижтиҳод қилганлар.

Абул Муаййад Муҳаммад ибн Маҳмуд Хоразмий Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳнинг муснадларини жам қилиб, уни “Жомеъ ал-масонид” деб номлаган. Муснад деб бир саҳобийдан ривоят қилинган барча ҳадисларнинг бир жойда келтирилишига айтилади. Яъни бунда ҳадислар

тартибига, мавзусига қараб солинмайди, бобга ажратилмайди, балки бир саҳобийдан ривоят қилинган ҳар хил мавзуга оид ҳадислар бир жойда кетма-кет баён қилинади. Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ айтадилар: “Менда ҳадис тўла сандиқлар бор-у, мен улардан озгина, кераклисинигина чиқардим”. Абу Ҳанифанинг фазилатлари ҳақидаги китоб муаллифи айтади: “Абу Ҳанифа қирқ минг ҳадис ичидан ўзига кераклисини танлаб олган”.

Бу гаплар: “Абу Ҳанифа кам ҳадис билган”, деганларга қарши далилдир. Имом Аъзам ҳадис ривоят қилишда Абу Бакр Сиддиқ, Умар разияллоҳу анҳумолар йўлини тутганлар. Улардан бирон масала ҳақида сўралса, унга тўғри жавоб беришар эди-ю, лекин бу жавобнинг далилини баён қилиб ўтирмас эдилар. Бирон кимса далилни сўраб қолсагина ҳадисдан далил келтирар эдилар. Ҳазрат Имом Аъзам ҳам худди шундай йўлдан бордилар, яъни бир масаланинг жавобини айтса-да, далилини ҳадисдан келтирмасдилар, қачонки далили сўралса, далилини айтардилар.

Ҳазрати Имоми Аъзам вафотларидан сўнг шогирдлари Абу Юсуф Яъқуб “Китобул хирож”, Муҳаммад Шайбоний “Жомий ус-сағир” китобларида, Ҳанафий уламоларидан Хуросоний “Жомеъ-ур-румус”, Қудурий “Мухтасар” китобларида Ҳанафий мазҳабини кенг шарҳлаб берганлар. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Мухтасари виқоя”, Бурҳониддин Али ибн Абу Бакр Марғинонийнинг “Ал-ҳидоя” асарлари Ислом оламида шуҳрат қозонган бўлиб, Ҳанафий мазҳабида муҳим фикҳий манбалар бўлиб ҳисобланади ва ҳозирги пайтда ҳам диний мадрасаларда талабаларга дарслик сифатида ўқитилади. Ислом оламида катта давлатлардан ҳисобланган Усмонли Султонлигининг давлат мазҳаби Ҳанафий мазҳаби ҳисобланган. Диёримиз мусулмонлари идораси ҳам Имом Аъзам мазҳаби асосида фаолият юритади, чунки у зотнинг мазҳаби фикҳий таълимоти, фатволари дунёдаги энг пишиқ, энг ишончли, энг мантиқли ва энг асосли фикҳдир. Шу сабаб ота-боболаримиз ҳам неча асрлардан буён шу мазҳабга амал қилиб келганлар. Маълумотларга қараганда бутун дунё мусулмонларининг тахминан ярми Ҳазрати Имом Аъзам мазҳабидадирлар. Аллоҳ ҳақ субҳонаҳу ва таоло буюк имомимиз ҳазрати Имоми Аъзамни ўз раҳматига олган бўлсин. Омин.

Шофиъия

Аҳли суннат вал-жамоат мазҳабларидан биридир. Унинг асосчиси Муҳаммад ибни Идриси Шофиъийдир. 150 ҳижрий йили Имом Аъзам вафот этган кунларида туғилганлар. У киши Курайш қабиласининг ҳошимийлар хонадонига мансуб. Шофиъий арабларнинг одати бўйича саҳродаги қабилалардан Ҳузайл қабиласи билан бир неча йил яшаб, уларнинг шеърлари ва араб тилининг фасоҳат ва балоғат, яъни унинг қоидаларини ўрганиб, Маккага қайтди. Маккада Муслими Занжий ва Молик ибни Анаслан ҳадис ва фикҳ илмини ўрганиб, бир муайян муддатда фикҳ илмини чуқур ўзлаштириб олди. Имоми Шофиъий қаерда бўлса ҳам, илм, тақво уруғларини сочар эдилар. Уша вақтнинг уламолари Имом Шофиъийнинг илмларига қойил қолиб, имомликларини тан олдилар.

Имом Аҳмад ибни Ҳанбал Имом Шофиъийни Пайгамбар (с.а.в.)нинг: “Албатта, Аллоҳ бу умматга ҳар юз йил бошида унинг динини янгилайдиган киши юборадиди”, деган ҳадисларига биноан, иккинчи ҳижрий юз йилликнинг мужаддиди, яъни диннинг янгиловчиси, дедилар. Имом Шофиъий 204 ҳижрий санада вафот этганлар.

Бошқа мазҳаблар каби Имом Шофиъий ҳам ўзларининг мазҳабларига Қуръон, ҳадис, ижмоъ, қиёсни асос қилиб олдилар. У киши Абу Ҳанифанинг фикҳ мактабидан ҳам фойдаланиб, ўртача бир мактабга асос солдилар. Имом Шофиъий фикҳий масалаларни ечиш билан бирга, уларни қайси қоида асосида ечганларини ҳам баён қилиб берар эдилар. Бунинг натижасида у киши янги илм — “Усули фикҳ”га асос солдилар. У кишидан олдин бу илм умуман йўқ эди.

Ижмоънинг шартлари ва қай даражасидаги тўғри ва қай даражасидаги нотўғри эканлигини билдирувчи аломатларни белгилаб, қиёснинг чегаралари ва шартларини баён қилиб берганлар.

Имом Шофиъий бошқа фақиҳлар каби “Истиҳсон” ни манбаъ сифатида қабул қилмаганлар, уни рад этганлар. Бу улуғ Имомнинг “Ар-рисола” ва “Ал-Умм” китоблари ҳозиргача бутун мусулмонлар, айниқса шофиъий мазҳаблар орасида кенг тарқалган.

Шофиъия мазҳабининг тарихига назар соладиган бўлсак, биринчи Бағдодда, сўнг Мисрда вужудга келди, Макка, Мадина ва Шомда тезда тарқалди. Кейинроқ Хуросон, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон, Арабистоннинг жанубий, шимолий Африка ва бошқа исломий мамлакатларда кенг ёйилади. Бухорода биринчи Ҳанафия ривожланган эди. Лекин Султон Маҳмуд Ғазнавий ҳукмронлик вақтида ҳанафийлар ва шофиъийлар орасидаги баҳс натижасида Марвда шофиъий ҳам ривожланди. Кўп араб мамлакатларида ва Хуросону Мовароуннаҳр шаҳарларида шофиъия ҳамда ҳанафия мазҳаблари биргаликда амал қилар эдилар. Хуросоннинг кўп вазирлари шофиъия ёки ҳанбалий мазҳабида эдилар. Уларнинг кўплари ашъарий эътиқодига ва шофиъия мазҳабига эргашир эдилар. Усманий турклар замонидида шофиъия фақиҳлари фаолияти сусайиб қолди. У фақатгина Миср, Ҳижоз, Сурияда амалда эди. “Ал-азҳар” жомеъсида ҳозир ҳам ўргатилади. Муҳаққиқлар аббосийлар хилофатида шофиъия мазҳабини дастур бўлган деб маълумот берганлар.

Шофиъийлар иймонни камаяди ва кўпаяди деб ишонадилар. Улар иймонни 3 нарсадан иборат деганлар: тил билан иқрор, қалб билан тасдиқ ва арконларига амал деб эътиқод қиладилар. Шофиъия машҳур фақиҳлари Абулҳасан Мовардий, Абулҳасан Ашъарий Жувайний, Абу Мужом Исфаҳоний, Муҳаммад Ғаззолий, Жалолиддин Суютий ўзларининг китобларида шофиъиянинг фикҳини кенг равишда ёритганлар.

Ҳозирги пайтда шофиъия мазҳаби Миср, Сурия, Индонезия, Малайзия, Филиппин, Таиланд, Ява, Суматра, Калимантан ва Африканинг шарқий қисмида кенг тарқалган. Шунингдек, Жанубий Арабистонда ҳам ушбу мазҳабга амал қилувчилар топилади.

Моликия

Аҳли суннат вал-жамоат мазҳабларидан биридир. Унинг асосчиси Имом Абу Абдуллоҳ Молик ибн Анас ибни Молик ибни Аби Амир ал-Асбаҳий бўлган. Ҳижрий сананинг 93-йилида Яманда таваллуд топган. У кишининг оналари фозила, оқила аёл эдилар. Имом Молик оналарининг таъсири билан ёшликларида илмга қаттиқ берилдилар. Ихлос ва эътиқод билан қилин-

ган ҳаракатлари туфайли илмлари зиёда бўлиб, ҳаттоки, Авфозий, Шофиъий, Яҳё ибни Саид каби алломаларга дарс бериш даражасига етдилар. Кейинроқ Мадинага келиб, у ернинг имомлигига тайинландилар. Имоми Молик кўп асарлар таълиф қилганлар, асосийлари қуйидагилардир: “Ал-Муватто”, “Рисолаи Ваъз”, “Китоб ул-масоил”, “Тафсири ғариби Қуръон”лардир.

Имоми Молик “Ал-Муватто” номли китобиди Моликия мазҳабининг усули фикҳига асос солди. У исломнинг илк замонларига қараб, шариат аҳкомларини Қуръон ва суннатга биноан барқарор қилди. У зот мусулмонларнинг фойдасига бўладиган масалалар ечимини қидирар эди.

Моликий мазҳабининг уламолари Молик ибн Анас таълимотининг мақсад ва ақидавий хусусиятларини очиб берганлар.

Баъзи уламолар, Моликия мазҳаби фикҳининг асосини учинчи манба, яъни саҳобаларнинг сўзи ташкил этади. Чунки улар Пайғамбар (с.а.в.) билан бирга яшаганлар, у кишининг тарбиясини олганлар. Имом Молик Мадина аҳолисининг амалларини қиёсдан устун қўйган, бунга балки саҳобалар асосан Мадинада яшаганлари сабаб бўлгандир. Мадина Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва у кишининг саҳобалари яшаган шаҳар, албатта, шаҳар аҳолиси улардан кўп нарса ўрганган. Шунинг учун ҳам уларнинг ишини манба қилиб олса бўлади, деганлар.

Имом Молик ўз фикҳларида бошқа Имом ишлатган барча услуб ва манбалардан фойдаланганлар. Моликий мазҳаби IX милодий асрда Тунис, Жазоир, Марокаш ва Шимолий Африкада тарқаган эди. Андалусда эса давлат мазҳабига айланди. Ҳозирги пайтда Тунис, Жазоир, Марокаш, Ғарбий Африка, Ливия, Мавритания, Нигерия давлатларида кенг тарқалган.

Ҳанбалия

Аҳли суннат вал-жамоат мазҳабларидан биридир. Унинг асосчиси Аҳмад ибни Ҳанбал ҳижрий сананинг 184 йилида Марвада туғилган. У киши Маъмун, Муътазим, Ҳорун ар-Рашид ва Восиқ каби султонлар даврида яшаган. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал дин илмини ўрганишда кўп қийинчиликлар чекиб, Яман, Куфа, Басра, Мадина, Макка ва бошқа жойларга сафар қилди. Имоми Шофиъийнинг фикҳий мажлисларида қатна-

шардилар. Имом Аҳмад Имом Аъзамнинг етук шогирдларидан бўлмиш Имом Абу Юсуфдан дарс олганлар. Кейинчалик Бағдодда катта муҳаддис Ҳушайт ибн Башир ал-Васатийдан тўрт йил мунтазам дарс олиб, у кишидан уч мингта ҳадис ёзиб олдилар.

Аҳмад ибн Ҳанбал ҳадис илмида жуда ҳам илгари кетганлар. Кўпчилик уламолар у кишининг ҳадис илмида ёзган “Муснад” китобларини энг мўътабар олти ҳадис китоблари қаторига киритади. У кишининг вафотларидан кейин шогирдлари фикрларига тартиб бериб, Ҳанбалия мазҳабини вужудга келтирди. Ҳанбалия уламолари шаръий масалалар ечимида фақат Куръон ва ҳадисга суянар эдилар, лекин кейинроқ ижмоъ ва қиёсни ҳам қабул қилдилар. Имоми Аҳмад Куръонни махлуқ дейдиганларга қаттиқ қарши чиққанлар.

Бу мазҳаб милодий IX — XIV асрларда исломий мамлакатларда катта эътиборга эга бўлди. Кўп мадрасаларда ўқитилди. Милодий XVIII асрда ибни Таймия таълимоти асосида Ваҳҳобия вужудга келди.

АДАШГАН МАЗҲАБЛАР ҲАҚИДА

Биз юқорида аҳли суннат вал-жамоатнинг тўрт ҳақ мазҳаби борасида қисқа маълумот бердик. Қуйида йўлдан озган мазҳаблар ҳақида баъзи маълумотларни тақдим этамиз.

Улуғ фақиҳ, олими раббоний, Нақшбандия тариқати силсиласининг атоқли муршиди комили мавлоно Аҳмад Зиёуддин Ал-Кумушхоновий йўлдан озган мазҳабларни ва ҳақ мазҳабларни қуйидагича шарҳлаб маълум қиладилар:

“Залолатда бўлган мазҳаблар еттига бўлинади:

1. Муътазила мазҳаби: бу яна ўз орасида 20 фирқага бўлинган.

2. Шиа мазҳаби: бу эса 22 фирқага бўлинган.

3. Хорижия мазҳаби: 20 фирқага бўлинган.

4. Муржия мазҳаби: 5 фирқага бўлинган.

5. Жабрия мазҳаби.

6. Мушаббиха мазҳаби.

7. Нажжория мазҳаби: 3 фирқага бўлинган. (Етмиш икки фирқа бўлди.)

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Улар менинг ва

саҳобаларимнинг йўлини тутганлардир”, деб марҳамат қилиб, мақтаган ҳақ мазҳаб эса уч турдир:

1. Салаф муҳаддислари.
2. Ашъарийлар (эътиқод мазҳаби).
3. Аҳли суннат вал-жамоат мазҳаби.

Бу ҳақ мазҳаблар ҳар хил ботил эътиқоддан узоқдир”. (Иқтибос тугади. “Жомиъ ул-мутун” китоби, 2-бўлим, 92 -шарҳ. *Мирзо Кенжабек таржимаси.*)

Энди азиз ўқувчиларга маълум бўлсин деб, бизнинг диёримизда пайдо бўлган ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган айрим фирқалар ва оқимлар ҳақида маълумот берамиз. Чунки булар фитна чиқариб, юртимиз мусулмонларининг бирлигига, миллатимиз тотувлиги ва ватанимиз тинчлигига зарар етказиши мумкин. Буларни билиб кўйиб, улардан сақланмоқ керак.

Ваҳҳобийя

Бу мазҳабнинг асосчиси — Муҳаммад ибни Абдулваҳҳоб Наждда туғилган. Илм таҳсили учун Басра, Шом, Ҳижоз ва бошқа шаҳарларга сафар қилиб, ватанига қайтгач, ваҳҳобийя мазҳабини Султон Салимхон III ҳукмронлиги даврида Наждда вужудга келтирди. Ибни Абдулваҳҳобнинг Наждда мухлислари кўп эди, лекин Шом ва Мисрда унинг тарафдорлари озчиликни ташкил қилган эди. Кейинчалик мазкур оқим тарафдорлари Ислоннинг икки муқаддас жойи бўлмиш Макка ва Мадинага босиб олдилар. Улар Шом ва Миср давлатлари фуқароларига муқаддас жойларни зиёрат қилишни таъқиқлаб кўйдилар. Ибни Абдулваҳҳобга унинг шогирди Муҳаммад ибни Сауд кўшилгач, мазҳаби ривожлана бошлади. Ёшлик даврида Ибни Абдулваҳҳоб Мадина шаҳрида диндан сабоқ олган. Унинг отаси ва акаси шайх Сулаймон диний соҳада кўзга кўринган уламолардан ҳисобланар эди. Ибни Абдулваҳҳобнинг динга бўлган муносабати, хатти-ҳаракатларидаги салбий ҳолатларни пайқаган отаси, акаси ва устозлари келажакда унинг диндан оғиши мумкинлигини сезганлар. Улар Ибни Абдулваҳҳобнинг нотўғри таълимотидан одамларни оғоҳлантирадилар, чунки у ўз таълимоти билан диний соҳадан йироқ бўлганларни оғдириши аниқ эди. Ибни Абдулваҳҳобнинг акаси шайх Сулай-

мон ва кўпгина устозлари ўз асарларида Ибни Абдулваҳ-
ҳобнинг фаолиятини танқид остига оладилар. Улар Ибни
Абдулваҳҳобнинг орқасидан эргашганларни залолатга
кетишларини таъкидлаганлар ва охир оқибатда шундай
бўлиб чиқди. Муҳаммад ибни Абдулваҳҳоб ўзининг хато
ғоясини амалга ошириш учун ҳатто акаси шайх Сулай-
монни ўлимга буюрган. Зеро, унинг мазҳабида мақсадни
амалга ошириш учун ота-она, ака-ука, қариндош-уруғ-
ларга ҳам раҳму шафқат қилинмайди. Ибни Абдулваҳҳоб
фақат ўзининг йўлини тўғри деб уқтирган ва мазҳабига
эргашмаганларни қатл этишга, мол-мулкни талон-та-
роҳ қилишга рухсат берган ва шу ғояни ташвиқот қил-
ган. У сўзамоллиги туфайли диний соҳадан йироқ бўлган-
ларни ўзига эргаштирган ва эргашмаганларни динсиз-
ликда айблаган, ҳатто ўзидан олти юз йил олдин ўтган
олимларни илмсиз, гумроҳлар деб, мусулмонларни эса
бутпарастлар деб даъво қилган. У, Аллоҳ таолонинг Қуръ-
они каримда бутпарастлар ҳақида нозил қилган айрим
оятларини мусулмонларга қарата айтган. Масалан:
“Аҳқоф” сурасининг 5-оятида: **“Аллоҳни кўйиб, қиёматга
қадар ҳам дуони мустажоб қила олмайдиган бутларга дуо-
илтижо қиладиган кимсадан ҳам гумроҳроқ ким бор?”**
“Юнус” сурасининг 106-оятида: **“Аллоҳни кўйиб, сизга
фойда ҳам, зиён ҳам етказолмайдиган нарсага илтижо қил-
манг!”** “Зумар” сурасининг 3-оятида: **“У Зотдан ўзга
“дўстлар”ни тангри қилиб олган кимсалар: “Биз ўша тан-
гриларингизга фақат улар бизни Аллоҳга яқин қилишлари
учунгина ибодат қилурмиз”, — дерлар. Оятлар аслида бут-
ларга сиғинаётганларга қарата айтилган бўлса-да, у ўзига
эргашмаган мусулмонларга қарши курашда фойдаланган.
Бунга жавобан мусулмон уламолари Ибни Абдулваҳҳоб-
нинг янглиш йўлдан бораётганлигини таъкидлашган. У
мусулмонларнинг асрлар давомида тутиб келаётган йўл-
ларини рад этиб, пайғамбаримизнинг мавлуд кунларини
нишонлаш, марҳумларнинг руҳларига Қуръон тиловат
қилишни, азиз-авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилишни
инкор этиб, бу ишларни ширк деб тушунтирган. У тасав-
вуфга, тариқат одобларига жаҳолат, ширк деб қараган.
Авлиёларни уялмасдан “шайтон” деб ҳақорат қилган,
осори атиқа ва қабрларни бузиб, текислаб ташлаган. Аллоҳ
осмонда деб, Аллоҳга макон иснод этган ва ботил эъти-
қодни тарғиб қилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)
бир ҳадисларида: *“Умматимдан қаттиқ хавотирдаман,***

чунки Куръонни ўзгача талқин этиб, ундаги оятлардан ноҳақ йўлларда фойдаланадиган одамлар пайдо бўлади”, деб, бу тоифа оқимлар ҳақида башорат берганлар. У муборак зот Шом ва Яман давлатлари ҳаққига хайрли дуо қилганларида, Нажд ҳаққига ҳам дуо қилишларини сўрашган. Пайгамбаримиз: “Йўқ, чунки у ерда шайтон пайдо бўлади”, — деб дуо қилмаганлар. Муҳаддислар “шайтон” деганда ҳижрий XII асрда Наждда яшаган Муҳаммад ибни Абдулваҳҳобни назарда тутилганлиги, унга ишора қилинганлигини айтишган. Чунки ваҳҳобий деган сохта таълимот айнан ўша жойда пайдо бўлган. Ибни Абдулваҳҳоб ўз фаолиятини “динни тозалаш”, “бутпарастиликдан халос этиш” ниқоби остида давом эттириб, мусулмонлар орасида кўп фитналар солди, салафларга, улуғ алломаларга тош отди, узоқ йиллардан бери мусулмонларга суннат бўлиб келган амалларни қоралади. Аҳли суннат вал-жамоат уламолари бу мазҳабнинг ботил эканлигини илмий исботлаб, унинг омма орасида тарқалишидан эҳтиёт бўлишга чақирганлар.

Ваҳҳобийларнинг Куръон, ҳадисдан гапиришини кўрган киши, улар аҳли суннат вал-жамоат бўлса керак, деб ўйлайди. Аммо сўзларини чуқур мулоҳаза қилиб қаралса, Куръоннинг ҳақиқий маъносини тушуна олмасдан, фақат зоҳирини гапиришлари, илгари ўтган зоҳирийлар йўлида эканлиги билинади.

Куръонни нотўғри талқин қилишларини кўриб эса, илгари ўтган хорижийларнинг давомчиси эканлигини англайсиз. Уларнинг суҳбатига билибми, билмасданми кириб қолган киши, уларнинг беодоблигини, ихтилофу жанжалга ўч эканлигининг гувоҳи бўлади. Улар ўзларини тақводор санасалар ҳам, турмуш ҳаётларига разм солиб қарасангиз, тақводан йироқ, ичида ҳеч нарсаси йўқ пуч ёнғоққа ўхшаганлигини кўрасиз. Аллоҳ таоло бундай бузғунчи тоифалардан ўзи асрасин. Бизни суннати санийяга амал қилувчи муҳлис бандаларидан айласин.

Аш-Шиа

Бу оддий исломнинг катта фирқаларидан биридир. Аш-шиа фирқасининг вужудга келиши борасида уламолар кўп маълумотлар берганлар. Усмон (разияллоҳу анҳу) халифалик даврида мусулмонлар иккига бўли-

ниб, уларнинг бири ҳазрати Алининг тарафдорлари, иккинчиси эса Муовиянинг тарафдорлари бўлдилар. Кейин шиа номи Алининг тарафдорларига унвон бўлиб қолди. Ҳазрати Алига тарафдор бўлганлар кейинчалик шиа фирқасини келтириб чиқардилар.

Шиа таълимотининг асосчиси Абдуллоҳ ибни Саб-боҳ бўлиб, у яҳудий ва масиҳий таълимотларидан хабардор бўлган бир яҳудий эди. Исломга киргач, Усмон (р.а.)нинг даврида ҳазрати Али (карромаллоху ваҷҳаху) тарафдори қаторида ўз фаолиятини бошлади. У шиа таълимотининг асосий рукни бўлган имоматни юзага келтирди. Суннийларда дин ва дунё ишларини халифа бажарганидек, шиаларда дин ва дунё ишларини имом бажаради. Имомлар фақатгина Ҳазрат Али авлодларидан бўлишлари керак ва ҳар бир имом ўлиmidан олдин ўзидан кейинги имомни сайлаб кетиши керак. Уларнинг ўн иккинчи имомлари бир кечада бедарак ғойиб бўлганлиги сабабидан ўзидан кейин бўладиган имомни тайинлай олмаган. Шунинг учун уларнинг имомлари ўн иккиталигича қолиб кетди. Улар эътиқод қилишларича, ўн иккинчи имомлари қиёматдан олдин қайтиб келиб дунёни бошқарар эмиш, бу дунёда инсонлар имомсиз яшай олмайдилар ва кимки ўзининг имомини танимаса, у жоҳил, нодондир, имомлар гуноҳдан маъсум, яъни гуноҳсиз кишилардир. Ҳатто уларни баъзи махсус сифатларга эга деб билганлар. Уларнинг амри фармонларини сўзсиз қабул қилиб, қатъий санайдилар, ҳамда уларнинг ўлимларига ишонмайдилар. Уларнинг бу эътиқодлари Қуръони каримнинг: **“Куллу нафсин зоиқатул мавт”**, яъни: **“Ҳар бир жон эгаси ўлим шаробини татувчидир”** оятига хилофдир. Улар ўзларича Али ибни Абу Толиб, Ҳасан ибни Али, Ҳусайн ибни Али, Боқир лақабли Муҳаммад ибни Али, Жаъфар ибни Козим, Али Ризо, Муҳаммад ибни Али, Али ибни Муҳаммад, Ҳасан ибни Али кабиларни ўзларига имом қилиб олишган. Шиалар ҳам Қуръонни манба деб эътироф этганлар. Уларнинг фикрича, Қуръоннинг асли нусхасида Алининг имомати тўғрисидаги, яъни пайғамбар алайҳиссаломдан кейин Али халифа бўлишлиги масаласи бор эди. Кейинги таҳририда Алининг душманлари тарафидан ўчирилган. Шунинг учун улар Қуръоннинг матнига танқидий назар билан қараб, алоҳида калима ва ибораларни ўзларининг қоидаларига биноан

Ўқишади ва Куръонни таъвил, яъни маъносини бошқа томонга ёйишни жоиз дейишади. Улар аҳли суннат вал жамоатни ўзларининг асосий душманлари деб эътиқод қиладилар, имом Хусайн ибни Али шаҳид бўлган дашти Карбалони муқаддас жой деб билишади ва саждагоҳларида шу ернинг лойидан пиширилган япалоқ тошга сажда қилишади. Уларнинг эътиқодлари ботил бўлиб, аҳли суннат вал жамоат эътиқодига хилофдир. Шиалар ҳам ҳар хил сабабларга кўра кўпгина фирқаларга бўлиниб кетишди. Уларнинг баъзи бирлари муайян бир муддатда пайдо бўлиб яна йўқ бўлиб кетган. Аммо баъзи бирлари шарқ мамлакатларида ҳозиргача бор бўлиб, ўз мазҳабларига амал қилиб келмоқда. Уларнинг асосий ва катта фирқалари: имомия, зайдия, исмоилия ва исно ашариялардир.

Ал—Имомия

Бу фирқа шиа мазҳабининг бир фирқасидир. Бу фирқага эргашувчилар ўзларига Жаъфар Содиқни пешво деб билганлар. У зот ўзларига эргашганларни аҳли суннат вал жамоат йўлидан юришга тарғиб қилганлар, лекин имомийлар у кишини йўлларида тойилиб, у зотни илоҳийлик даражасига кўтардилар. Жаъфар Содиқ (розияллоху анҳу)нинг ўзлари отасига ўхшаб сиёсатга кам аралашиб, ибодатга ҳарис бўлган кишилардан эдилар. Ибодатларининг кучидан кўп кароматлари зоҳир бўлиб турарди. У кишининг вафотидан сўнг, имомийлар у зотни ўз мазҳабларининг асосчиси деб даъво қилдилар. Васиятларига биноан тўртинчи ўғиллари Мусои Козим имом бўлиши у зотнинг муҳолифларини эътирозига сабаб бўлди. Оқибатда ҳазрат Жаъфарнинг катта ўғли Исмоил тарафдорлари “Исмоилия” фирқасини вужудга келтирдилар. Имомийлар йўлларини беш нарса устига қурганлар. Булар тавҳид, адл, нубувват, имомат ва қиёматдир. Сунний имомийлар ўртасида тавҳид, нубувват ва қиёмат муштарак. Имомийлар адлни муътазилаларга ўхшаб таъвил қиладилар. Имомат масаласида суннийлар ва имомийлар тушунчаси ўртасида фарқ бор. Суннийлар имомни қуддусий сифатга эга эмас десалар, шиалар эса имомни қуддусий, яъни илоҳий сифатга эга деб тўғри йўлдан адашганлар.

Аз—Зайдия

Шианинг таниқли фирқаларидан биридир. Улар Зайд ибни Али ибни Хусайн имоматини эътироф этганлар. У шиаларнинг бешинчи имоми Муҳаммад Боқирнинг укаси, баъзи ақидали масалада акасига мухолифат қилган. Куфада кўп эътибор қозониб, уммавий халифаси Хишом ибни Абдулмаликка қарши чиқди. Шом уни дорга осиб, калласини Дамашққа жўнатди. Унинг вафотидан кейин ўглини зайдийлар ўзларига пешво қилиб олдилар. Зайднинг ўгли Яҳё ибни Зайд ҳам қатл қилинди. Зайдиялардан икки киши шуҳрат қозонган эди. Улар Зайдия таълимотини вужудга келтирдилар.

Зайдия усулда муътазилийларга ва фуруъда аҳли суннатга эргашганлар. Улар Зайдия бўлмаганларга қиз бериш жоиз эмас, ҳамда никоҳи мутъани мумкин эмас, дейишади. Имом эса, сайлов йўли билан пайғамбар авлодидан сайланиши керак деб биладилар. Бошқа шиаларга ўхшаб Абу Бакр, Умар ва Усмон (розияллоху анҳум)ларни лаънатлашмайди. Улар гуноҳи кабира қилувчини дўзахга абадий маҳкум қиладилар. Ҳозир улар Шимолий Яманда фаолият кўрсатмоқда. Аҳолининг ярми шу фирқага мансуб. Аз-Зайдия фирқаси Арабистон, Покистон ва бошқа мамлакатларда ҳам мавжуддир.

Ал—Исмоилия

Шиаларнинг катта фирқаларидан биридир. Улар Исмоил ибни Жаъфарга эргашганлар. Бу фирқага мансуб одамлар Исмоилнинг имоматини эътироф қиладилар. Исмоилнинг вафотидан кейин имоматни унинг ўгли Муҳаммадга нисбат берганлар. Исмоилийлар даъво қилишларича, имомат Жаъфардан кейин Исмоилга мансубдир.

Ал—Қодиёния

Бу мазҳаб 1839 йили Ҳиндистоннинг Панжоб штати Қодиён қишлоғида туғилган Мирзо Фулом Аҳмад Қодиён тарафидан тузилган ботил мазҳабдир. Қодиён инглизларга хизмат қилиш билан машҳур бўлган. У 1908 йилда

вафот этган. Қодиёнийлар ақидаси исломнинг ақидасига бутунлай зид. Уларнинг ақидаси бўйича Мирзо Фулом Аҳмад Қодиёний ваъда қилинган Исо Масих эмиш. Қодиёнийларнинг эътиқодида Аллоҳ намоз ўқийди, рўза тутали, ухлайди, уйғонади, адашади ва шунга ўхшаш ботил гаплар учрайди. Улар жиҳодни фарз деб билишади. Бу мазҳабни қабул қилмаганларни кофир деб ҳукм қилишган. Мирзо Фуломнинг қишлоғи Қодиённи эса Макка ва Мадинадан афзал деб билишади. Ароқ, афюн, героин ва бошқа маст қилувчи моддаларни истеъмол қилишга рухсат берадилар. Ҳозирги кунда қодиёнийлар Ҳиндистон ва Покистондан ташқари бир қатор Африка давлатларида ва Фарбда тарқалган. Лондонда уларнинг катта марказлари ҳам бор. Қодиёнийлар МДХ ҳудудларида кейинги йилларда ўзларининг мазҳабларини тарғиб қила бошладилар. Улар керакли ўринларда одамларни ишонтириш учун Аҳмадийямиз деб, ўзларини оқлаптилар. Маълумки, Таврот ва Инжилда пайғамбаримиз Аҳмад деб зикр қилинган. Улар кўпинча ишбилармон, тижоратчи ниқоби остида келмоқдалар. Ҳожати тушган одамларга ёрдам бериб, ўз мазҳабларини тарғиб қилиб, мазҳабларига эргашганларни чет давлатларга даъват қилмоқдалар.

Ал—Баҳоия

Бу фирқанинг асосчиси 1819 йили Эроннинг Шероз шаҳрида туғилган Мирзо Али Муҳаммад Ризо Шерозийдир. Бу фирқа аввалда Бобия номи билан машҳур бўлиб, кейин эса Баҳоия номини олган. 1844 йили Муҳаммад Ризо ўзини Боб, яъни ҳамма нарса-нинг эшиги деб эълон қилди. Муҳаммад Ризо вафот этгунча бу фирқа Бобия номи билан аталган. У вафот этгач, унинг ўрнига Мирзо Ҳусайн Али бошчилик қилди ва ўзига Баҳо деган лақабни берди. Шу сабабдан бу фирқа Баҳоия деб аталади. Баҳо бу фирқанинг таълимотини ўз ичига олган “Ал-Ақдас” деган китоб ёзди. У 1892 йили вафот этди.

Бу фирқанинг асосчиси ва ёрдамчисидан ташқари бир нечта арбоблар бўлганки, улардан бири Ҳурратулайн номли аёлдир. Тарихчиларнинг айтишларича, бу аёл эридан қочиб, ношаръий ишларга қўл уради, кейин ўзини илоҳийлаштириб кўрсатишга ҳаракат қилади.

У 1960 йили Дашт шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда: “Исләм шариати бекор қилинди”, деб эълон қилди. Шундан кейин Хурратулайн Эрон подшоҳи томонидан қатл қилинди. Баҳойлар пайғамбарларнинг мўъжизаларига, фаришталарга, жинларга ва жаннату дўзахга ишонмайдилар. Улар мутъа никоҳини ҳалол деб, аёлларга ҳижобни ҳаром дейишади. Уларнинг қибласи Шерозда бўлиб, Бобнинг туғилган уйидир. Улар исломга умуман зид бўлганлар. Ислом уламолари уларга қарши мақолалар, фатволардан ташқари бир неча китоблар ёзганлар. Ҳозирги пайтда баҳойилар Эрон, Ироқ, Сурия, Ливан ва Фаластинда бор бўлиб, бошқа давлатларда ҳам тарқалган. Юқорида зикр қилинган фирқалардан ташқари: Акромия, Хамас, Ҳизбуллоҳ, Ихвон ва шунга ўхшаш фирқалар борки, уларнинг бошида Расулуллоҳ (с.а.в.) айтганларидек: *“Олдиларига нимадир мақсад қилиб қўйган шайтон фикрли инсонлар туради”*. Акс ҳолда бундай фирқаларни тузмас эдилар, чунки Аллоҳ таоло фирқаларга бўлинишни ман қилиб: **“Ваътасиму би ҳаблиллаҳи жамиъан вала тафаррақу”** (“Оли Имрон” сураси, 103-оят), яъни: **“Барчангиз Аллоҳнинг арқони бўлган Қуръонни маҳкам ушланглар ва фирқаларга бўлинманглар”**, деб марҳамат қилган.

Азиз китобхонларга бу фирқаларни билдиришдан мақсад ҳушёрликни оширишдан иборатдир. Ваҳҳобийлар ва ҳизбут-таҳрирлар хуруж қилиб, диёримизга кириб келганларидек, замонлар ўтиши билан юқорида зикр қилинган фирқалар ўзларига озроқ ўзгаришлар киргизиб, юртимизга кириб келиши мумкин. Шунда алданиб қолмайлик, зероки илм инсонни алданишдан сақлаб, тўғри ҳидоят сари етаклайди.

Азиз китобхонларимизни Аллоҳ таоло ўзининг севиқли бандалари қаторига қўшиб, тўғри йўлдан адаштирмасин.

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

Маълумки, қизил империя ҳукмронлик қилган даврда қадриятларимиз, маънавий хазиналаримиз билан бирга динимиз ҳам қатағонга учраган эди. Аллоҳнинг улуғ неъмاتي бўлган мустақиллик шарофати ҳамда юрт-

бошимизнинг саъй-ҳаракатлари, тадбиркорликлари билан динимиз, қадрият ва урф-одатларимиз қайта тикланди, ўзгаришлар, ривожланишлар юз берди...

Буюк Истиқлолимизни кўра олмайдиган ёвуз кучлар, душманлар динимизга раҳна солиб, ёшларни йўлдан уриб, мусулмонларни тоифаларга бўлиб, яна тинчлигимизни бузишга уриндилар.

Жумладан, “Ҳизбут-таҳрир” деган бузғунчи оқим ана шундай йўлни тутмоқда. Бу оқим маслаги қайсидир жиҳати билан коммунистлар ғоясига ўхшаб кетади.

Дин — бу ҳаётий қонун. Инсонларни ватанга муҳаббат, садоқат, тўғрисўзликка, меҳр-оқибатга, раҳму шафқатга, раҳбарларга итоат этишга, иттифоқликка чорлайди. Дин одам ўлдиришдан, бировларнинг обрўсини тўкишдан, гийбат-бўхтондан, ватан ва халққа хиёнат қилишдан қайтаради. Чунки, динни билган киши қандайдир оқимлар йўриғига юрмайди. Ҳар бир ишни ҳолис, яхши ният билан Аллоҳ розилиги учун амалга оширади. Халқ манфаатини ўз манфаатидан устун кўяди...

Мен бу сўзларни виждоним қийналганидан, диннинг асл моҳиятидан хабардор бўлганим учун ёзяман. Мен Сулаймон қори, Алихонтўра Соғуний, Муҳаммад-амин домла, муфтий Зиёвуддин домла, қози Исмоил Маҳдум домла, Сирожиддин лазгин домла, Исмоил қори домла каби бир қанча машҳур устозлардан таълим олдим. (Аллоҳ уларни раҳмат қилсин!) 7 йил Бухородаги “Мир-Араб” мадрасасида, 4 йил Тошкентдаги Ислом олий маъҳадида таҳсил кўрдим. 10 йилдан бери Тошкентдаги Олий Ислом институтида дарс бериб келмоқдаман. Олиму аллома бўлган устозларим ҳамма вақт Имом Аъзам мазҳаби, нақшбандия тариқатини тарғиб ва ташвиқ қилар эдилар. Улар эндигина юртимизга кириб келаётган “ваҳҳобийлик” ёки бошқа оқимларни танқид қилиш билан бирга, бузуқ эътиқодли, ғояси суннатдан йироқ бўлган китобларни ўқитмасликни жиддий талаб қилардилар.

Уламоларга маълумки, Аллоҳ таоло Қуръони каримни турли воқеалар сабаб, 23 йил давомида нозил қилган. Араб тилида буни “сабаби нузул” дейилади. “Ҳизбут-таҳрир”даги далиллар Қуръоннинг “сабаби нузул”ларига тўғри келмайди. Ҳизбчилар ўз мақсадларини

амалга ошириш учун Қуръони каримдан бир, икки оятни ажратиб олиб, ўз гоёларига ҳужжат қилиб кўрса-тишади. Бу оятларнинг боши ёки охирини ўқисангиз, бутунлай бошқа маъно бериши маълум бўлади. Ҳадислардан ҳам шу усулдан фойдаланишган.

Ўз мақсадларини амалга ошириш учун бир ҳадиснинг бошини олишган бўлса, охири йўқ; охирини олишган бўлса, боши йўқ. Масалан, “Халифалик барпо қилиш керак, халифага байъат қилмаган киши жоҳилиятда ҳалок бўлади”, дейилган ҳадисни олсак, ҳадиси шарифнинг давомини беркитишган. Ҳадиснинг тўлиқ матни бундай:

“Халифалик мендан кейин 30 йил давом этади. Кимда-ким халифага байъат қилмаса, жоҳилиятда бўлади, ундан кейин подшоҳлик бўлади”, дейилган.

Дарҳақиқат, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) дан кейин 30 йил халифалик бўлиб, Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрати Умари Одил, Ҳазрати Усмон зуннурайн, Ҳазрати Али (каррамаллоҳу ваҷҳаҳ)лар халифа бўлишди. Ҳазрати Муовиядан бошлаб подшоҳликка айланди. 30 йиллик халифалик даври муҳим давр бўлиб; арабларнинг “Ислом” динида мустаҳкам қолиш даври эди. Чунки, Расулulloҳ (с.а.в.) вафотларидан кейин айримларнинг қалбига дин ҳали мустаҳкам ўрнашмагани учун яқиндагина исломга кирган арабларнинг баъзиси диндан қайтишди. Халифа эса уларни динга қайтариши ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ишларини давом эттириши лозим эди. Пайғамбар оламдан ўтган бўлса ҳам, унинг халифаси борлиги, Аллоҳнинг ҳақлиги, ягоналиги халқ эътиқодига сингдирилиши зарур ва шу боис ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, халифага байъат қилиши зарур эди.

Шу жараёнга 30 йил кифоя қилди. Ундан кейин Ислом ишларини, маъмурий аҳкомларини подшоҳлар давом эттирдилар. 1952 йилда Тақиюддин Набихоний деган киши фаластинликларни Исроилга қарши қўзғаб, ўз ватанлари озодлиги учун ҳаракат қилишга ундаб, “Ҳизбут-таҳрир” номли сиёсий партия тузди.

Кейинчалик дин душманлари ундан устомонлик билан фойдаланиб, сопини ўзидан чиқариб, “Ҳизбут-таҳрир” партиясини Ислом мамлакатларига тарқата бошладилар, мақсадлари эса Ислом динини заифлаштириб, маънавий қувватини парчалаш эди.

Маълумки, қаерда партия бўлса, унинг рақиби ҳам бўлади. Хусусан, ҳукмрон партия унинг ашаддий рақи-

би бўлиб, унинг нуфузини синдириб, обрўсини тўкишга ҳаракат қилади. Бундай вазият Ислом душманларига айни муддао эди. Улар: “Мусулмонлар устидан ҳукмронлик қиламан десанг, аввало, улар орасига фитна сол, кейин парчалагин”, — деган шиорни амалда тадбиқ этишга киришдилар. Улар, аввало, илми саёз, жоҳил, қолоқ ва алданувчи кишиларни партиялар тузишга ундайдилар. Натижада “Ҳизбуллоҳ”, “Ҳизбут-таҳрир”, “Ихвон”, “Акрамия”, “Баҳоия”, “Қодиёния” каби оқимлари ташкил қилинади. Бу партиялар ғояси, тузилиши “Оли Имрон” сураси 103-оятдаги “Вала тафаррақу”, яъни “Фирқаларга бўлинманглар” хитобига зид, хилофдир.

Ҳазрати Расулulloҳ (с.а.в.) ҳам 73 фирқага ажралган умматнинг аҳли суннат вал-жамоатдан бошқа турли фирқалари дўзахга маҳкумлигини айтганлар. Динимиз эса ҳар қандай сиёсий партиялардан, фирқалар, оқимлар, сиёсий ўйинлардан устун туради...

Динни асос қилиб, сиёсий партиялар тузиш, уни обрўсизлантиради. Динимизда сиёсий партияларга, фирқаларга ҳожат йўқ.

Улуғ алломаларимиз, мужтаҳид олимларимиз динимиз аҳкомларини, шариатнинг мукамаллигини, очиқравшанлигини таъкидлаб, тасдиқлаб кетганлар.

Шариатимизда шахсияти номаълум, тақвосиз кишиларнинг сўзлари эътиборга олинмайди. Исломнинг 4 устунни бўлган мазҳаб соҳибларининг йўллари барча уламолар томонидан эътироф қилинган бўлиб, “Аҳли суннат вал-жамоат” номи остида 13 асрдан буён ҳукм суриб келмоқда. Шунинг ўзи уларнинг йўли ҳақ эканлигини тасдиқлайди.

Чунки, Ҳазрати Пайғамбаримиз: “Менинг уламоларим заллат йўлида жам бўлмайдилар”, - деганлар. “Ҳизбут-таҳрир” ва шунга ўхшаш фирқаларнинг ботил эканлиги олимлар томонидан эътироф этилган.

Йўлдан адашганлар Ислом дини Қуръону суннатга асосланиб, илму маърифат, тараққиёт сари етакловчи, инсонларни камолотга бошловчи инсонпарвар дин эканлигини, ҳамда ҳақиқий иймон, ҳақиқий ислом нима эканлигини яхши билиб олишлари керак. Шариатда диннинг асоси бўлган Қуръон ва ҳадисни шарҳ қилиб берадиган 30 га яқин фанлари бор. Дин ишларини шариат фанларидан хабари йўқ жоҳил, нодон кимсаларнинг қўлларига ташлаб қўйишни халқимиз ҳам,

бирор олим ҳам хоҳламайди. Диннинг Аллоҳнинг ўзи лойиқ кўрган фидойи ҳомийлари бор.

Дин халқларни бирликка, биродарликка, дўстликка чақирадиган илоҳий, муқаддас қонундир. Қуръон оятларида энг тўғри, энг ишончли йўллар кўрсатиб қўйилган. Биз Қуръон ва ҳадис чизигидан, аҳли суннат вал-жамоат йўлидан чиқмасак, мужтаҳид алломаларнинг китоб ва кўрсатмаларига амал қилсак, дунё ва охират саодатига эришамиз, иншааллоҳ.

* * *

Бу мўъжазгина китобнинг ёзилишига сабабчи бўлган “Қўлпон” нашриёти жамоасига ўз миннатдорчилигини билдирамиз.

Ушбу рисола ёшларимизни тўғри йўналишга бошловчи бир қўлланма бўлиб қолади, деган умиддамиз.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЙЎЛИ

(сўнгсўз ўрнида)

Кейинги пайтлар Ислом динининг асл моҳияти, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, диёнат ҳақида, шу билан бирга фитналарга сабаб бўлаётган турли фирқалар, оқимлар, гуруҳлар ҳақида кўп гапиряпмиз. Зотан айрим ёшларимизнинг зарарли, ёт оқимлар таъсирига кириб кетиши кўпчиликни ташвишга солиб қўйди. Юртимизда Имоми Аъзам мазҳаби, нақшбандийлик тариқати асрлар давомида кенг илдиз отган. Ота-бобомиз шу мазҳаб, шу сулук йўлидан бориб, илму маърифат ва бошқа соҳаларда улкан муваффақиятлар қозонган. Ҳанафий мазҳаби ва нақшбандийлик миллий мафкурамиз асосларидан бири эканлиги расмий доираларда ҳам, дин уламолари томонидан ҳам эътироф этилди.

Юртимизда зимдан хуруж қилиб келаётган миссионерлик ҳаракати, гиёҳвандлик, фаҳш фильмлар, турли зарарли оқимларнинг вақтида олди олинмаса, халқимизга катта моддий ва маънавий зарар етказиши муқаррар.

Бундай вазиятни ўз вақтида пайқаган айрим олимларимиз кенг аҳоли қатлами учун дастуруламал бўладиган оммабоп китоблар ёзишга киришдилар, зарур асарларни таржималар қилдилар.

Қўлингиздаги китоб ҳам хайрли ишлардан бири. Унда иймон-ислом, эътиқод ва ахлоқ масалалари мухтасар, аммо изчил баён этилган. Айниқса, ёшларимиз исломнинг асл моҳиятидан хабардор бўлиш билан бирга, ботил ва ёт оқимлар ҳақида ҳам маълумотга эга бўладилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам умматларининг етмиш уч фирқага бўлиниб кетишини, улардан ёлғиз “аҳли суннат вал-жамоат” гина жаннатга, қолганлари дўзахга маҳкумлигини башорат қилганлар. Муаллиф ёшларимизни ана шундай фирқалардан баъзилари билан таништиради ва огоҳликка чорлайди. Зеро дин зарурий аҳкомларни кўр-кўрона адо этишдан иборат эмас. Зоҳир сўфинамо-ю, сийрат вайрон бўлса ёки валий шоиримиз Бобораҳим Машраб айтганларидек, “Дилда дардинг бўлмаса минг тоатинг бекордур”.

Муаллиф илмсизлик, саводсизликнинг зарарлари ҳақида, ёшларнинг таълим-тарбияси, эътиқоди хусусида мушоҳада қилади. Ҳадиси шарифда маърифатнинг боши - Аллоҳни таниш, ҳикматнинг боши Аллоҳдан кўрқишдир, дейилган. Илмсиз, муҳаббатсиз, тақвосиз, маърифат ва ихлоссиз Аллоҳга мақбул комил инсон бўлиш мумкин эмас. Зотан, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам фитна-фасод, ирим-сирим, бидъат-хурофот, сохта авлиёлик, фолбинлик каби амалларнинг кўпайиб кетишидан ва уларнинг зарарларидан огоҳлантирганлар...

Инсонга ўз нафси ҳам, шайтон ҳам душман, диёнатсиз, мунофиқлар, ҳатто жоҳил дўст ҳам душман бўлиши мумкин... Демак инсоннинг ҳар лаҳзаси таҳликада, хавфда... Лекин инсонга ақл берилган, кўнгил берилган. У — тафаккур соҳиби. Шулардан истифода этсагина масъуд ва бахтиёрликка эришади...

Дин ва эътиқод масаласи жуда кенг мавзу. Шу боис ушбу китобда қайсидир мавзулар етарли ёритилмаган бўлиши мумкин. Қолаверса, китобга олимларимиз ўз баҳосини берадилар деб ўйлаймиз. Аммо нима бўлганда ҳам, долзарб мавзунини ўз вақтида ёзиб халқимизга тақдим этган заҳматкаш олим, мударрис - Аҳмадjon Ҳожи домлага Аллоҳдан тансиҳатлик ва ижодларига барака, китобхонларимизга ҳам икки дунё саодатини тилаб қоламиз.

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ,
Филология фанлари номзоди,
Халқаро Аҳмад Яссавий мукофотининг соҳиби.

МУНДАРИЖА

Исломининг замонавий илму маърифатга даъвати	3
Ислом ва тараққиёт	5
Иймон нима?	8
Аллоҳнинг бирлиги	8
Аллоҳни бу дунёда кўрса бўладими?	10
Аллоҳнинг фаришталари	12
Аллоҳнинг китоблари	13
Аллоҳнинг пайгамбарлари	15
Қиёмат куни	17
Тақдир	17
Қайта тирилиш	18
Ҳақиқий ислом (Исломининг беш асоси)	21
Иймон	21
Намоз	22
Жумъа намози	24
Закот	25
Рўза	27
Ҳаж	30
Исломда турли миллатлар биродарлиги	37
Исломда оила ва унинг саломатлиги	38
Фарзанд тарбияси	43
Исломининг шахсий камолот сари кўрсатмалари	45
Ҳақ мазҳаблар	50
Ханафия	50
Шофийя	55
Моликия	56
Ҳанбалия	57
Адашган мазҳаблар ҳақида	58
Ваҳдобий	59
Аш-Шиа	61
Ал-Имомия	63
Аз-Зайдия	64
Ал-Исмоилия	64
Ал-Қодирия	64
Ал-Баҳоия	65
Огоҳликка даъват	66
Ўзликни англаш йўли (сўнгсўз муаллифи С. Сайфуллох)	70

Илмий-маърифий рисола
Ҳожи Аҳмадҷон БОБОМУРОД
КАМОЛОТ САРИ
Ўзбек тилида

Муҳаррир *Шоҳида Соатова*
Рассом *Абдулбоқи Имомхон ўғли*
Расмлар муҳаррири *А. Кива*
Техник муҳаррир *Елена Толочко*
Мусахҳихлар *Гулчеҳра Азизова,*
Иноят Убайдуллаева (жамоатчилик асосида)

ИБ № 0779

Босмаҳонага 16.09.2000 да берилди. 02.10.2000 да босишга
руҳсат этилди. Бичими 84x108 1/32 шартли босма тобок.
Нашриёт тобок ҳисоби 3,76. 15000 нусхада. Шартнома
№17-2000. Бўжуртма № 231 Баҳоси шартнома асосида.

“Чўлпон” нашриёти. Тошкент-129. Навоий кўчаси, 30 уй.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг
Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Юнусобод
дахаси, Муродов кўчаси, 1.

49a

